

СУҒУРТАЛОВЧИ ВА МИЖОЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги шароитда давлат молиявий сиёсатининг мақсади иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини муайян чора-тадбирлар ёрдамида ошириш асосида жамият аъзоларининг турмуш фаровонлиги даражасини таъминлашдан иборат. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган ривожланиш кўрсаткичларини самарали молиявий сиёсат натижаси эканлигини қайд этиш зарур. Республика иқтисодиётининг барқарор ривожланишида суғурта соҳасининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шу боис, республика ҳукумати томонидан суғурта муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маълумки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”¹. Шундан келиб чиқиб, суғурта муносабатларини ривожлантириш асосида суғурта бозорининг кўламини кенгайтириш айти пайтда долзарбдир. 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг, аввало, энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтириганлигини алоҳида қайд этиш зарур². Янги суғурта ташкилотларининг пайдо бўлиши, суғурта ташкилотларининг узоқ қишлоқ жойларида ўз филиал ва бўлинмаларини очилиши, бунинг исботидир. Суғурта бозорига хизматлар таклиф этувчи суғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, бу борадаги чора-тадбирлар тобора чуқур кўриниш олмоқда.

Суғурта мукофотлари миқдори бир йил давомида 45 фоизга ортди ва 70 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди. Ихтиёрий шахсий суғурталаш бўйича суғурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб, 80 фоизга ортди, мулкни суғурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга ўсди.

Шунга қарамасдан, нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларни ҳам ишончини қозона оладиган суғурта хизматларининг кенг турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш миллий суғурта бозорини ривожлантиришдаги асосий муаммолардан биридир.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи. 2008 йил 9 февраль.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. /Тошкент:”Ўзбекистон” 2010 йил.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, миллий суғурта бозорини жаҳон суғурта бозори талаблари асосида ривожланган мамлакатларнинг суғурта бозорлари даражасига етказиш ва халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш суғурта фаолиятидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирларининг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Битирув малакавий ишнинг тадқиқот мавзуси доирасида илмий изланишлар олиб борган хориж иқтисодчи-олимлар қаторига А.Александров, А.Архипов, Ю.Ахвледиани, В.Бельгх, И.Балабанов, С.Берёзика, А.Вагиер, В.Гарькуша, Ф.Герман, Б.Гомелля, Э.Кросита, И.Никулинз, В.Рябикина, Б.Сербиновский, Д.Тулентм, В.Шаховларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда суғурта фаолияти ва суғурта бозори ривожланишининг йўналишлари иқтисодчи-олимлар М.Асқарова, Г.Ахунова, Х.Боев, Т.Баймуротов, О.Жўраев, Т.Иминов, Ш.Имомов, М.Мирсодиқов, А.Нуруллаев, Й.Турсунов, М.Ходжаева, А.Шермухамедов, Х.Шеннаев, Р.Хусанов, А.Ядгаровларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган. Шунга қарамасдан, суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни талаб даражасида деб бўлмайди. Мамлакатимизда суғурта маданияти жуда секинлик билан ривожланмоқда. Суғурта бозорида сифатли ҳамда ишончли суғурта хизматлари ва уларга етарлича талаб мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ этиш, илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот олдида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни, уни ривожланишининг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши ва ҳолатини таҳлил қилиш, унга баҳо бериш;
- суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш ва мамлакатда ушбу муносабатларни ривожлантиришда улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларга таъсирини тадқиқ қилиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурта шартномаси доирасида томонларнинг ўзаро муносабатларини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини амалдаги ҳолати ва суғурта ташкилотлари ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар тадқиқот объекти ҳисобланади.

Мавзунинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодий эркинлаштириш шароитида суғурта соҳасини такомиллаштириш юзасидан билдирган фикрлари ва назарий қарашлари, шунингдек, мавзу доирасида мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг назарий қарашлари ушбу тадқиқотнинг назарий асослари сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлиги, Суғурта назорати маълумотларидан фойдаланилди.

Тадиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- суғурта шартномалари доирсида томонларнинг ўзаро муносабатларини шакллантириш зарурияти ва унинг аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан тадиққ этилди;

- Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг ривожланиши ва ҳолати таҳлил қилиниб, унга баҳо берилди;

- суғурта фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари ривожланган мамлакатлар билан қиёсий таққосланди;

- суғурта бозори инфратузилмасининг такомиллашмаганлиги, яъни профессионал суғурта воситачилари, суғурта экспертлари ва ассистанс хизматларининг ривожланмаганлиги суғурталовчи ва суғурталанувчи муносабатларининг пасайишига сабаб бўлаётганлиги асосланди;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларга таъсири тадиққ қилинди;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакаий иш доирасида амалга оширилган таҳлиллар яқунлари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тақлифлар мамлакат суғурта бозорини янада такомиллаштиришга, суғурталанувчилар ва суғурталовчилар манфаатлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтказишда илмий-назарий асос сифатида хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Тадиққот иши кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ жадваллар, расм диаграмма ва схемалар келтирилган.

I. БОБ. СУҒУРТА НИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, СУҒУРТАЛОВЧИ ВА МИЖОЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Суғурта бозори, унинг қатнашчилари ва улар ўртасидаги муносабатларни ривожланишининг назарий ва ҳуқуқий асослари

Суғурта бозори мавжуд бўлишининг асосий шарти, суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжуд бўлиши ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан характерланади.

Суғурта бозори субъектларнинг мустақил бўлишини, уларнинг ўзаро тенг имкониятлар билан рақобат олиб бориши, асосий муносабат суғурта хизматларининг олди-сотдиси бўйича, яъни суғурта хизматларини сотиб олиш горизонтал ҳамда вертикал ривожланиш алоқаларини олиб бориш билан таърифланиб келинади.

Бизнингча, суғурта бозорини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, суғурта фуқаролар ва корхоналарнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини ҳимоя қилувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Суғурта муносабатларида аввал суғурта зарарини иштирокчилар ўртасида натурал тарзда тақсимлаш амалга оширилар эди. Кейинчалик товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан суғурта муносабатлари ҳам пул шаклида амалга оширила бошланди. Зарарларни пул шаклида қопланиши энг аввало ўзаро суғурталаш учун кенг имкониятлар яратди. Таъкидлаш жоизки, суғурталашнинг илк шаклларида суғурта мукофотларининг умумий фондда жамғарилиши кузатилмасдан, балки суғурта ҳодисаси рўй бергандан сўнг зарарнинг иштирокчилар ўртасида тақсимланиши амалга оширилган. Кейинчалик пулли муносабатларнинг ривожланиши билан суғурта фонди суғурта бадаллари эвазига олдиндан шакллантирила бошланди. Суғуртанинг махсус фондни шакллантириш орқали амалга оширилиши суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий, стихияли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Суғурта ва суғурта бозорининг моҳиятини ёритишда турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, проф. Ҳ.Собиров суғурта тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Кўпчилик адабиётларда суғурта сўзи хавф-хатар, даҳшат, ваҳима маъносида ишлатилади, чунки кўрсатилган табиий

офатлар ва бахтсиз ҳодисалар натижасида жамият ҳаётига моддий зарар етказилади. Лекин суғурта деганда ана шу руҳий ҳолатлар эмас, балки булар орасида вужудга келган ва пайдо бўлиши мумкин бўлган фавқулодда зарарлар ва уларнинг кучини қирқишга қаратилган тадбирлар, зарар натижасида вужудга келган камомаднинг ўрнини тўлдириш, бу йўналишда юзага келадиган суғурталовчи ташкилотлар ва суғурталанувчилар ўртасидаги муносабатлар кўзда тутилади”³.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунида суғуртага қуйидагича таъриф берилган: “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”⁴.

Россиялик иқтисодчи проф. Б.Сербиновскийнинг фикрича, “Суғурта – юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта бадаллари (мукофотлари)дан шаклланадиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй берганда ушбу шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муносабатлар тизимидир”⁵.

Иқтисодчи Н.Бендина суғуртанинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш мақсадида қуйидагиларни таъкидлайди: “Юридик ва жисмоний шахслар зарар кўрганда кўрилган зарарни кўпчилик шахслар ўртасида тақсимлаш орқали уни қоплаш усулидир”⁶. Суғурта фонди кўпчилик жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлайдиган суғурта мукофотлари ҳисобига шаклланиб, ушбу фондни шакллантиришда иштирок этган шахсларнинг мулкӣ манфатларига табиӣ ҳодисалар рўй бериши натижасида зарар етганда, ушбу фонддан суғурта қопламаси берилади.

Яна бир россиялик иқтисодчи олим А.Архипов суғуртага шундай таъриф беради: “Суғурта - хавфли, нохуш воқеалар оқибатидан ҳимоя воситаси бўлиб, аммо барча шу каби воқеалардан эмас, балки фавқулодда юз бериши мумкин бўлган ва зарар даражаси олдиндан баҳоланган эҳтимолликлардан ҳимоя бўлиб, бундай воқеаларнинг қачон, қаерда ва қандай ҳолатда юз бериши номаълумдир”⁷.

А.Вагнер суғуртани шундай хўжалик ташкилоти дея таърифлайдики, у кўрилган зарарни маълум даражада қоплаши, инсон соғлигига ва мулкига етказилиши кутилаётган зарарли ҳодисанинг олдини олиши мумкин дейди⁸.

Келтирилган фикрлардан кўриш мумкинки, иқтисодчилар суғуртани турлича баҳолаб, унга турлича таърифлар берган. Уларнинг ҳар бири суғурта муносабатларини очиб беришга хизмат қилсада, асосий фарқли жиҳати

³ Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.: “Мехнат”, 1998 йил 8-9-бетлар.

⁴ “Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -“Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 28 май.

⁵ Сербиновский Б.Ю. Страхование дело. – М. “Феникс”, 2004 г. 7 стр.

⁶ Бендина Н.В. Страхование. – М.: “Приор”, 2005 г. стр. 3.

⁷ Архипов А.П., Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страхование. - М.: Финансы и статистика, - 2007. - 10 с.

⁸ Бельх В.С. Страхование право. - М: Инфра-М, - 2001. - 20 с.

суғурта муносабатларининг у ёки бу жиҳатиға кўпроқ эътибор берилиши натижасида вужудға келган.

Суғурта ва суғурта бозорининг иқтисодий моҳиятини теран англаш учун унга хос бўлган, яъни суғуртани иқтисодий категория сифатидаги принципларини билиш муҳим аҳамиятға эға. Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги принципларға асосланади:

Суғурта рискининг мавжудлиғи. Риск бўлмаса суғурталашға ҳожат қолмайди. Риск – суғуртавий пул муносабатларининг асосини ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ва фуқароларнинг ҳаётиға турли рисклар доимо таъсир кўрсатиб турадики, бу ўз навбатида ушбу рискларни рўй бериши натижасида юзаға келадиган эҳтимол тутилган зарарлардан ҳимояланиш заруриятини келтириб чиқаради. Рискларнинг юз бериши тасодифийлик характериға эға ва у инсон онғиға боғлиқ бўлмайди.

Суғурта муносабатларининг қайта тақсимлаш характериға эға эканлиғи. Суғурта иқтисодий категорияси ёрдамида корхоналар ва аҳоли даромадларининг бир қисми қайта тақсимланади. Молия категориясидан фарқли улароқ, суғурта ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимланишида иштирок этмайди, балки иккиламчи тақсимланишида иштирок этади. Корхоналар ва аҳоли даромадлари бир қисмини қайта тақсимланиши натижасида қатъий мақсадли йўналишда фойдаланиладиган суғурта фонди шаклланади. Бу хусусият суғуртани молия категорияси тушунчасиға мос келишини билдиради.

Зарарларни муайян макон ва замонда тақсимланиши. Зарарларни ҳудудлараро тақсимлаш объектларни суғуртаға олиш етарли даражада қамраб олинганда рўй беради. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимлаш суғурта ҳодисаларнинг нотекис содир бўлиши билан тушунтирилади. Ҳақиқатан ҳам бир пайтда барча объектларни ўз ичига олувчи суғурта ҳодисаси юз бериши амри маҳол. Тажрибанинг кўрсатишича, суғурта ҳодисалари муайян бир даврда рўй бермаслиғи, аммо бошқа йили рўй бериши мумкин. Шунинг учун, суғурта ташкилотлари ўз зиммаларига олинган мажбуриятларни бажариш мақсадида етарли миқдорда суғурта фондига эға бўлиши даркор.

Суғурта мукофотларининг қайтарилиш характериға эға эканлиғи. Суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланган суғурта фондидаги маблағлар фақат суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчига қайтарилиб берилади. Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини англаувчи бу принцип суғуртани иқтисодий категория сифатида кредит тушунчасиға яқинлаштиради. Кредитнинг асосий принципларидан бири - ажратилган кредитларнинг ўз вақтида банкка қайтарилишидир.

Суғурта хизматлари ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалға оширилади. Ихтиёрий суғурта турлари бўйича хизматлар жисмоний ва юридик шахсларға уларнинг розилиғи билан кўрсатилади. Ихтиёрий суғурта турларига юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки суғуртасини, транспорт воситалари суғуртаси, ҳаёт суғуртаси, молиявий ва тадбиркорлик рисклари суғуртасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ихтиёрий

суғуртадан фарқли равишда мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатларига асосан ўтказилади ва бунда кўрсатилган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаати уларнинг иродасидан қатъий назар мажбурий ўтказилади. Масалан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси мажбурий шаклда амалга оширилади. Бундан ташқари, умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, автомобиль транспортидаги йўловчиларнинг ҳаёти ҳам мажбурий суғурта қилинади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш зарурки, мажбурий суғурта турлари билан бир қаторда мажбурий давлат суғурта турлари ҳам мавжуд. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳарбий хизматчилари ҳаёти бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурта қилинадилар. Шунингдек, Давлат солиқ органлари ходимларининг ҳаёти ҳам мажбурий давлат суғуртасига олинадилар. Мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта хизмат ҳақлари – суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошқа соҳаларда бўлгани каби суғурта соҳасида ҳам ислохот ўтказилди. Ислохотни амалга оширишда қўйилган биринчи қадам 1993 йили 6 майда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонун талаблари асосида 1994 йилда “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси ташкил этилди, кейинчалик уни Президентнинг 1997 йилдаги (18.02.97 й.) 1710-сонли фармонида биноан “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. 1995 йилда “Мадад” суғурта агентлиги ташкил этилиб, ушбу агентлик орқали тадбиркорлик фаолиятини суғурта хизматлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. 1997 йили собиқ “Давлат суғурта ташкилоти” негизида иккита ихтисослаштирилган компания ташкил этилди. Булар ихтисослашган “Кафолат” давлат акционерлик суғурта компанияси ва “Ўзагросуғурта” давлат акционерлик суғурта компаниясидир. Шу даврларда яна бир нечта турли мулк шаклидаги суғурта компаниялари ташкил этилиб, шу асосда миллий суғурта тизими шакллантирилди. 1993 йилда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги қонунда назарда тутилмаган кўпгина ҳолатлар, масалан қайта суғурта, суғурта фаолиятини лицензиялаш, миллий суғурта бозорида чет эл суғурта компанияларининг фаолияти кабиларни қонунийлаштириш керак эди. Шу муносабат билан 2002 йилга келиб Ўзбекистонда суғурта тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда халқаро андозалар талабига жавоб берадиган суғурта тизимини барпо этиш мақсадида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун суғурта тизими юксак ривожланган мамлакатларнинг амалдаги суғурта тўғрисидаги қонунларини ўрганган ҳолда, йирик назариётчилар ва амалиётчилар иштирокида ишлаб чиқилди. Бу қонунда суғурта соҳалари ва турлари (класслари), суғурта соҳасининг профессионал иштирокчилари бўлган суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти таъриф берилган, суғурта компанияларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан

ўтказиш, суғурталовчиларнинг устав фонди, суғурта фаолиятини лицензиялаш, лицензия амал қилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва умуман бекор қилиш, суғурталовчиларни қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, суғурталовчиларни тугатиш, суғурта захиралари, суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафолатлари, суғурталовчилар бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, чет эл суғурта ташкилотларининг фаолият юритишлари каби суғурта фаолиятининг барча муҳим жиҳатлари алоҳида моддаларда ўз аксини топган.

Бозор муносабатлари шаклланиб, суғурта соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида суғурта муносабатларининг мазмуни бутунлай ўзгарди. Ташкил этилган мустақил суғурта компаниялари иштирокида тўлиқ бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган суғурта бозори шакллана бошлади. Ҳозирги кунга келиб бу бозорнинг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғи анчагина ортди. Ҳозирда республикада турли мулкчилик шаклидаги 31 та суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Компаниялар сонининг ортиб бориши суғурталанувчиларга танлаш имконини беради ва ўзаро рақобат муҳитини яратади ҳамда иқтисодиётнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида суғуртада икки тенденция амал қилмоқда: суғурталовчиларнинг ихтисослашуви ва универсаллашуви, яъни маълум суғурта компаниялари суғуртанинг деярли барча турлари бўйича хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб ўз фаолиятларини кенгайтирсалар, бошқа бир компаниялар суғуртанинг маълум бир турлари бўйича ихтисослашиб, ушбу хизмат турини мукамал ўзлаштириб олмақдалар. Бу йўналишларнинг биринчиси бевосита меҳнатнинг ижтимоий тақсимланишининг кучайиши билан боғлиқдир: ушбу жараён суғурта ишида ҳам объектив зарурат туғдирмоқда.

Суғурталовчилар фаолиятининг универсаллашиш тенденциялари суғурта бозори етарли даражада ривожланмаган, суғурта хизматларига талабгорлар сони у қадар кўп бўлмаган мамлакат, ҳудуд ёки минтақаларда юз берса, ихтисослашув жараёнлари суғурта бозори ривожланган, суғурта хизматларига талабгорлар сони кўп бўлган мамлакат, ҳудуд ёки минтақаларга хосдир. Чунки суғурта бозори эндигина ривожланаётган, суғурталашга талабгорлар сони у даражада кўп бўлмаган мамлакатлардаги суғурта компаниялари бир ёки икки суғурта турига ихтисослашиш билан етарли даражада миқдорларга эга бўла олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар мумкин қадар кўпроқ турдаги суғурта хизматларини амалга ошириб, кўпроқ миқдорларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолият юритмоқда. Бунга юқорида айтиб ўтганимиз, суғурта соҳасининг ҳали юксак даражада ривожланмаганлиги, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг суғурта тўғрисидаги ҳуқуқий билимларининг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли суғурта хизматларига талабгорлар сонининг етарли эмаслиги сабабдир.

Суғурта бозорини икки хил хусусияти бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин, бу хусусиятлар:

- ташкилий-ҳуқуқий хусусиятлар;
- ҳудудий хусусиятлар.

Ташкилий-ҳуқуқий хусусиятлари бўйича суғурта бозори акционерлик шаклидаги, ўзаро ҳамкорлик асосидаги компаниялар, хусусий суғурта компаниялари ва давлат суғурта компанияларидан иборат бўлиши мумкин.

Ҳудудий хусусиятлари бўйича суғурта бозорлари маҳаллий (регионал), миллий (республика, мамлакат ва ҳ.к.), минтақавий ва жаҳон суғурта бозори кўринишида шаклланади. Хизмат кўрсатиш нуқтаи-назаридан суғурта бозорлари маҳаллий суғурта бозори ва ички суғурта бозорига, ҳамда ташқи ва глобал, яъни дунё суғурта бозорларига бўлинади⁹.

Ички суғурта бозорининг асосини маълум мамлакат ичида ташкил этилган суғурта ташкилотлари ташкил этади. Ички суғурта бозорининг асосий вазифаси мамлакат ичкарисидаги суғурта хизматларига бўлган талабни шакллантириш ҳисобланади. Бу вазифа асосан маркетинг кузатишларини олиб бориш орқали суғурта бозорини ўрганиш, суғурта хизматларини реклама қилиш ва шу асосда аҳоли ва юридик шахслар ўртасида талабни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади,

Суғурта бозорида компанияларнинг мижозларни кўпайтириб бориши уларга катта миқдорда фойда келтириши билан бирга, миллий суғурта бозорининг ривожланишига олиб келади ва натижада суғурта компаниялари халқаро суғурта бозорларига кириб бориш имкониятига эга бўладилар. Худди шундай имкониятга эга бўлган Англия, АҚШ, Германия, Швецария, Франция, Япония каби кўпгина мамлакатларнинг суғурта компаниялари транснационал компанияларга айланиб, жаҳон суғурта бозорида етакчилик қилиш билан бирга, дунёдаги етакчи банклар билан бир қаторда кредит берувчи молиявий ташкилотларга айланиб бормоқдалар. Суғурта компаниялари ўзларининг ихтиёридаги пул маблағларини ссуда капитали сифатида, пулга эҳтиёж сезган талабгорларга маълум фоиз тўлаш шарти билан, келишилган муддатга кредитга бермоқдалар. Ссуда операциялари бўйича кўп мамлакатларда суғурта ташкилотлари банклардан кейинги ўринни эгаллаб келмоқдалар ва йирик молиявий ташкилотларга айланиб, иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллашга даъво қилмоқдалар.

Суғурта бозори давлат томонидан бошқарилиб ва назорат қилиб турилиши зарур. Бу, ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларини ўрганиб, чиқараётган хулосамиз ҳисобланади. Суғурта бозорида давлат қонунларнинг бузилишини назорат этиши, давлат томонидан олиб борилаётган суғурта сиёсатининг суғурта компаниялари томонидан қандай амалга оширилаётганлигини, суғурта тарифларининг қанчалик давлат белгилаган меъёрларга тўғри келишини, уларнинг бозор талабига мослаштириб борилаётганлигини назорат қилиб бориши лозим.

⁹ Шахов В.В. Страхование. Учебник. - М.: ЮНИТИ, - 2006. - С. 51-52.

Суғурта хизматлари бозорининг хориж тажрибаси

Суғурта бозорининг ҳолатига баҳо беришда хориж тажрибасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ривожланган мамлакатлар суғурта бозорида бизнес кўлами анча кенг. Айниқса, Буюк Британия ва АҚШда суғурта бозори юқори суръатларда ривожланган.

Буюк Британия молия институтлари биринчи навбатда суғурта компаниялари, саноат корхоналарининг йирик миқдордаги акцияларга эга ва бу ҳолат суғурта ва саноат капиталининг бирлашишига олиб келмоқда. Маълумотларга кўра, суғурта компанияларининг қарийб 30 фоиз активи йирик саноат компанияларининг акциясига тўғри келади. Бугунги кунда, Буюк Британияда аҳоли ва корхоналарининг вақтинча бўш маблағларини иқтисодиётга жалб этишда суғурта компаниялари ўзига хос мавқега эга.

Бозор муносабатлари асосида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари Буюк Британия иқтисодиётининг муҳим стратегик соҳаси ҳисобланади. 2008 йилда суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари умумий 157,5 млрд.фунт стерлингдан ошиб кетди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг 12,5 фоизини ташкил этади.

1.2.1-жадвал

Айрим ривожланган мамлакатларда тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи (2008 йил)¹⁰

т/р	Мамлакатлар	Салмоғи, фоизда
1.	Тайван	14,13
2.	Буюк Британия	12,50
3.	Швейцария	11,76
4.	Япония	10,47
5.	Нидерландия	9,93
6.	Жанубий Корея	9,71
7.	АҚШ	9,44
8.	Франция	9,42
9.	Гонгконг	9,03
10.	Финландия	8,77
11.	Сингапур	7,50
12.	Канада	7,09

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, йиғиб олинган суғурта мукофотларининг деярли 45 фоизини суғурта компанияларининг чет мамлакатларда олиб борган суғурта операцияларига тўғри келади. Буюк Британия тўлов баланси структурасини таҳлил қиладиган бўлсак, валюта тушумларининг 50 фоизи суғурта мукофотлари ҳисобига тўғри келганлигини кўрамиз. Буюк Британия суғурта компаниялари жаҳоннинг 43 та мамлакатада суғурта операцияларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Ҳозирги пайтда, Буюк Британия суғурта бозорида хорижий мамлакатларнинг 150 га яқин компаниялари суғурта операцияларини амалга

¹⁰ www.swissre.com.

оширмоқда. Жаҳон миқёсида эришилаётган тижорат битимларининг анчагина қисми шу давлат ҳиссасига тўғри келади. Агар, тузилган битимларнинг ижроси бўйича эътирозлар келиб чиқадиган бўлса, суғурта компаниялари дарҳол бунга суғурта қопламасини тўлашади. Бу, ўз навбатида, бизнесни халқаро даражада ривожланиши учун шароит яратади.

Буюк Британия миллий суғурта компаниялари ўзларининг чет мамлакатлардаги бўлим ва филиаллари орқали халқаро суғурта бозорларида иштирок этмоқда. Хорижий мамлакат суғурта компанияларини Буюк Британия бозорларига интилиши, Лондонда халқаро аҳамиятга молик суғурта операцияларини амалга ошириш ва трансмиллий компанияларга хизмат кўрсатиш каби қизиқишлари билан боғлиқ. Юқорида қайд этганимиздек, суғурта компаниялари йиғган суғурта мукофотларининг катта қисми, уларнинг чет мамлакатларда олиб борган операциялари ҳисобидан шаклланади. Масалан, “Ройял Иншуранс” компанияси суғурта мукофотларининг 68,4 фоизи ташқи манбалардан келиб тушган. Шунингдек, “Коммершиал Юнион” ва “Женерал экцидент” компанияларининг 60 фоизга яқин суғурта мукофотлари хорижий мамлакатлардан келиб тушган. Бу маблағларни асосий қисми АҚШ ва Канададан келиб тушади.

Кейинги йилларда Буюк Британия суғурталовчилари каттагина ҳажмдаги ўз маблағларини кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни молиялаштиришга юбормоқда. Ҳозирги пайтда кўчмас мулкка инвестиция жами инвестицияларнинг 15 фоизини (узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича) ташкил этмоқда. Кўчмас мулкка инвестиция қилишнинг ижобий хусусиятлардан бири шундан иборатки, кўчмас мулк пулнинг кадрсизланиш жараёнидан ишончли ҳимояланган. Аммо, бу инвестиция объектининг ҳам бир қанча салбий томонлари мавжуд. Масалан, амалиётда кўчмас мулкларни қисқа муддатда фойдали нархда сотиш анча мушкулдир.

Буюк Британияда 830 га яқин суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, суғурта компаниялари алоҳида суғурта турлари ва тоифалари бўйича операцияларни амалга ошириш учун махсус лицензия олишлари зарур. Белгиланган классификацияга асосан, 7 та узоқ муддати суғурта турлари ва 18 та умумий суғурта турлари мавжуд. Ҳозирги пайтда, Буюк Британия суғурта бозорининг асосини ташкил этадиган 300 та компания авиация суғуртаси, 433 та компания эса денгиз суғуртаси билан шуғулланмоқда.

Умуман олганда, Буюк Британия суғурта бозори икки қисмга бўлинган:

- ҳаётни суғурта қилиш бозори;
- умумий суғурта бозори.

Ҳаётни суғурта қилиш операциялари ушбу суғурта турларини амалга оширишга ихтисослашган компаниялар томондан олиб борилади. Ҳаётни суғурта қилиш бозорида, асосан, қуйидаги суғурта турлари бўйича шартномалар тузилади: ҳаётни индивидуал суғурталаш, нафақа ва аннуитетлар, соғлиқни узлуксиз суғурталаш, ҳаётни ва нафақани гуруҳлаб суғурталаш. Ҳаётни индивидуал тартибда суғуртаси бўйича солиқ имтиёзларини мавжудлиги, ушбу суғурта тури бўйича катта миқдорда

суғурта бадалларини йиғиш имконини беради. Айтиш керакки, суғурта компаниялари ҳаётни суғуртаси бўйича катта миқдорда суғурта қопламалари ҳам тўламоқда. Масалан, 2008 йилда ҳаётни индивидуал суғуртаси бўйича суғурталанувчиларга жами 17,6 млрд. фунт стерлинг маблағ тўланган.

Буюк Британияда аҳолига ва бошқа потенциал мижозларга суғурта хизмати кўрсатиш шу даражада ривожланганки, бунда ҳар бир оила ва фуқаронинг даромади ва манфаати ҳисобга олинади. Ҳозирги пайтда 12 та суғурта компанияси даромади унча катта бўлмаган шахслар учун ҳаёт суғуртасини жорий этган. Бу суғурта турининг ўзига хос хусусияти шундаки, суғурта мукофотлари 2 ойда бир марта йиғилади. Суғурта мукофотлари агентлар томонидан йиғилади ва уларнинг сони 35000 га яқин.

2008 йилда Буюк Британия суғурта компаниялари умумий суғурта турлари бўйича 54,0 млрд. фунт стерлинг миқдорида суғурта мукофотларини йиғиб олишган. Бу маблағларнинг асосий қисми ёнғиндан ва бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича келиб тушган.

Бошқа ривожланган давлатлар каби Буюк Британияда ҳам суғурта компанияларининг фаолияти тегишли давлат органлари томонидан назорат этилади. Биринчи маротаба, бу мамлакатда, суғурта компаниялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш 1870 йилда қабул қилинган ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар тўғрисидаги қонун билан жорий қилинган эди.

Бугунги кунда Буюк Британияда суғурта компаниялари устидан назоратни амалга ошириш Молия хизматлари назорати идорасига юклатилган. Ушбу идора мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компанияларига суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия беради. Одатда, лицензия суғуртанинг айрим турлари бўйича берилади. Европа Иттифоқи директиваларига мувофиқ узок муддатли суғуртанинг 7 класс ва умумий суғуртанинг 18 класс бўйича лицензия берилади. Суғуртанинг у ёки бу класс бўйича лицензия беришдан олдин, Молия хизматлари назорати идораси суғурта компанияси ушбу класс бўйича суғурта операцияларини ўткази олишига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунинг учун, лицензия олишга талабгор компания идорага ариза билан бир қаторда бошланғич капитал, амалга ошириши мўлжалланаётган суғурта операциялари, суғурта полислари, суғурта мукофоти ставкаси, операция харажатлари тўғрисидаги маълумотларни бериши керак. Шунингдек, ташкил этилаётган суғурта компаниясининг раҳбари ва бош бухгалтери тўғрисидаги маълумот ҳам тақдим этилади.

Буюк Британияда суғурта иши шунчалик ривожланганки, буни мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган айрим қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, “Суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузган ҳар бир Буюк Британия фуқаросини ҳар қандай ҳолатда ҳимоя қилишни кафолатлайди. Бу ўз навбатида суғурталанувчиларни ишонч билан суғурта полисларини сотиб олишга ундайди. Юқорида қайд қилинган қонун талабларига мувофиқ, суғурта компанияси тугатилган тақдирда, унинг

суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича Кенгашга юклатилади. Дастлаб, суғурта компанияси тугатилишидан олдин, Кенгаш компанияни молиявий ҳолатини соғломлаштириш юзасидан махсус тадбирларни амалга оширади.

Буюк Британия суғурта тизимида “Ллойд” корпорациясининг ўзига хос ўрни бор. “Ллойд”нинг ташкилий тузилмаси суғурта компанияларининг ташкилий тузилмасидан тубдан фарқ қилади. “Ллойд” Лондон шаҳрининг марказида жойлашган ва бу ерда суғурта операцияларини унинг аъзолари амалга оширади. “Ллойд”га аъзо ҳар бир андеррайтер суғурта операциясини ўзининг имконияти даражасида амалга оширади ва корпорациянинг бошқа аъзоларини мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Суғурта компанияларидан фарқли ўлароқ, “Ллойд” корпорацияси аъзоси тузилаётган шартномалар бўйича чекланмаган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин. “Ллойд” аъзолари суғурта операцияларини амалга ошириши учун махсус синдикатларга бирлашган. Ҳозирги пайтда корпорациянинг 150 дан ортиқ тармоқ синдикатлари мавжуд бўлиб, улардан 100 яқини денгиз суғуртаси, 34 таси авиация суғуртаси, 27 таси автомобиль суғуртасига ихтисослашган синдикатлардир. Синдикатларга “Ллойд” андеррайтерлари бошчилик қилади ва у ушбу синдикатга аъзо бўлган бошқа андеррайтерлар номидан суғурта операцияларини амалга оширади. Потенциал миқдорларни жалб қилиш бўйича синдикатлар ўзаро қаттиқ рақобат курашини олиб борадилар. Шу нуқтаи назардан “Ллойд”ни ўзига хос суғурта бозори деб аташ мумкин. “Ллойд”да барча суғурта операциялари брокерлик фирмалари воситачилигида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда “Ллойд”да рўйхатдан ўтган брокерлар 300 дан ортиқ. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам айрим суғурта компаниялари ва суғурта брокерлари “Ллойд” корпорацияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган.

“Ллойд” корпорацияси доирасида йиғиб олинadиган суғурта бадалларининг 30 фоизи денгиз суғуртаси ҳиссасига тўғри келади. Негаки, бу ерда азалдан савдо-сотиқлар денгиз ва океанлар орқали амалга оширилган. Айрим манбаларга кўра, Англияда дастлабки суғурта шартномалари, бундан тахминан 300 йиллар олдин, айнан, денгизда ташиладиган юклар ва кемалар билан билан боғлиқ бўлган.

Суғурта ходисаси рўй берган тақдирда суғурта қопламасини оператив тўлаш мақсадида, “Ллойд” корпорацияси вақтинча бўш маблағларини қатъий фоизлар тўланадиган активларга инвестиция қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, “Ллойд” нинг ҳар бир аъзоси ҳар йили амалга оширган суғурта операциялари, суғурта мажбуриятлари тўғрисида корпорация аудиторига ҳисобот тақдим қилади. Аудитор, ҳисоботни текшириш натижасида камчиликларни аниқласа, уни дарҳол андеррайтерга хабар қилади ва бу, ўз навбатида андеррайтерни эҳтимол тутилган молиявий тангликка тушиб қолишдан сақлайди. “Ллойд”га аъзо бўлган синдикатнинг тўлов қобилияти ёмонлашганда, уни суғурталанувчилар олдидаги мажбурияти, корпорацияда ташкил этилган махсус заҳира фонди

ҳисобидан бажарилади. Бу захира фонди синдикатлар ажратган маблағлар ҳисобига шаклланади.

2008 йилда АҚШда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 9,4 фоизини суғурта мукофотлари ташкил этган. Бу кўрсаткич Франция, Канада, Италия каби тараққий этган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичидан сезиларли даражада юқоридир. АҚШда суғурта муносабатларини ривожланганлигини нафақат юқорида қайд этилган макроиқтисодий кўрсаткич орқали эмас, балки бошқа кўрсаткич орқали ҳам билиб олишимиз мумкин.

1.2.2-жадвал

Айрим ривожланган мамлакатларда тўпланган суғурта мукофотларининг аҳоли жон бошига тақсимои (АҚШ доллари, 2008 йил)¹¹

т/р	Мамлакатлар	Жами	Ҳаёт суғуртаси	Умумий суғурта
1.	Швейцария	5740,2	3308,6	2431,6
2.	Буюк Британия	4484,4	3190,4	1294,0
3.	Ирландия	3921,2	2590,7	1330,6
4.	Япония	3825,4	3044,4	831,0
5.	АҚШ	3790,2	1718,0	2072,2
6.	Дания	3684,8	2342,3	1342,5
7.	Франция	3218,7	2150,2	1058,5
8.	Финландия	3133,5	2461,0	672,5
9.	Германия	2285,2	1021,2	1264,0
10.	Канада	2206,2	926,1	1280,1
11.	Гонконг	2174,6	1835,9	338,7
12.	Тайван	1909,0	1494,6	414,4

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2008 йилда йиғиб олинган суғурта мукофотларини аҳоли жон бошига тақсимлаганда, бир АҚШ фуқароси ўзини ва ўзига қарашли мол-мулкларни суғурталашга бир йилда 3790,2 доллар сарфлаган. Юқорида кўрсатилган маблағнинг 2072,2 доллари умумий суғурта, 1718,0 доллари эса ҳаётни суғуртасига тўғри келади.

XX асрнинг сўнгги ўн йили мобайнида суғурта фаолияти Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Германия каби давлатларда жадал ривожланиб боришига қарамасдан, АҚШ суғурта компаниялари жаҳонда ўзининг етакчиликлари мавқеини йўқотган эмас. 2008 йилда АҚШ Канада билан биргаликда жаҳонда йиғиб олинган суғурта мукофотларининг қарийб 36,2 фоизини тўпладилар. Кўриниб турибдики, бу жуда юқори кўрсаткич бўлиб, ушбу мамлакатларда суғурта муносабатлари кундалик ҳаётнинг ажралмас элементи эканлигидан дарак беради.

¹¹ www.swissre.com.

2008 йилда АҚШда 6000 мингга яқин суғурта компаниялари мавжуд бўлиб, уларда 2,6 млн.га яқин ходимлар фаолият кўрсатган. АҚШда суғурта бизнеси ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан бири, унинг янада байналминаллашувидир.

Жаҳон суғурта бозорида катта молиявий имкониятга эга бўлган АҚШ суғурта компаниялари бугунги кунда молиявий жиҳатдан барқарор ва дунё бўйлаб кенг ёйилган суғурта компаниялари ҳисобланади. Америка суғурта монополлари дунёнинг индустриал ривожланган мамлакатлари суғурта тизимининг тахминан 50 фоизини бошқаради. АҚШ да 8 мингдан зиёд мулкӣ суғуртага ва 2 мингга ҳаёт суғуртасига ихтисослашган компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир штат ўзининг суғурта қонунчилигига ва назорат органига эга. Суғурта фаолиятини назорат қилиш учун ягона федерал қонун мавжуд эмас, федерал даражада умумий тартибга солувчи ва назорат қилувчи орган суғурта комиссарлари миллий ассоциацияси ҳисобланади. Аммо ассоциация ҳукумат органи эмас. Ҳар бир штат капиталнинг минимал даражасига, таклиф этилаётган суғурта турларига ўз талабларини қўяди, назоратдаги суғурта компанияларини тафтиш қилади, ушбу компанияларга, суғурта агентликлари ва брокерлик ташкилотларига лицензия бериш орқали суғурта фаолиятини умумий назорат қилади.

АҚШ да икки турдаги суғурта компаниялари мавжуд: акциядорлик жамиятлари ва ўзаро суғурталаш жамиятлари. Давлат суғурта ташкилотлари мавжуд эмас. Андеррайтерлар ва суғурта брокерлари фаолияти кенг ривожланган. Барча суғурта компаниялари бўйича ташкил қилинган маълумотлар электрон банки мавжуд бўлиб, ушбу электрон банкнинг мавжудлиги рисклар бўйича, суғурта мукофотлари қиймати бўйича ва бошқа маълумотларни умумлаштириш имконини беради¹².

АҚШ да суғурта компанияларининг самарадорлик даражасига уларнинг даромади ошиши ёки пасайиши, фойда коеффициенти, инвестициялар бўйича дебиторлик қарзларига қараб баҳо берилади.

АҚШ суғурта бозорида фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари орасида асосан мулкӣ, нафақа ва шахсий суғурта турларини амалга ошириб, миллий ва халқаро суғурта бозорида катта молиявий мавқега эга ҳисобланган “Стейт фарм мьючуэл отомобил иншуранс компани”ни, АҚШ миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси, мулкни суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва турли таваккалчиликлардан суғурталашни амалга ошириб келаётган “Сигна” компанияси санаб ўтиш мумкин. “Сигна” суғурта компанияси халқаро бозорда ҳам актив фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг 160 та бўлимлари дунёнинг жуда кўп мамлакатларида жойлашган бўлиб, уларда 50 мингдан зиёд ходим фаолият олиб бормоқда.

АҚШ миллий суғурта бозорида ва халқаро бозорда фаолият кўрсатаётган Американинг йирик суғурта компанияси “Америкэн интернэшнл групп” ёки “АИГ” нефт, газ, химия ва фармацевтика саноатини турли табиий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш ҳодисаларидан суғурталашни

¹² Ахвледиани Ю.Т. Страхование. - М.: ЮНИТИ, 2006. - 521 с.

амалга ошириб келмоқда. Компания халқаро суғурта бозорида ҳам фаол иштирок этаётганлигини унинг 130 та бўлимлари дунёнинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатиб, катта миқдордаги суғурта бадалларини йиғишга муяссар бўлаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу суғурта компанияси Ўзбекистон суғурта бозорида ҳам фаол иштирок этиб, унинг бу иштироки 1994 йилда “Ўзбекинвест” компанияси билан биргаликда “Ўзбекинвест интернэшнл” қўшма суғурта компаниясини ташкил қилиш билан бошланган эди¹³.

Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида кўрилган йирик зарарларни ҳукумат томонидан қоплаб беришдан чекиниб, бунда суғуртадан восита сифатида фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Бунда қайси мамлакат тажрибасидан фойдаланиш керак деган саволга жавоб бериш учун бир рақамга эътиборни қаратмоқ керак, яъни дунё суғурта бозоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта суғурталашдан олинаётган 8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг 5,5 млрд. АҚШ долларини, яъни 69 фоизини Шимолий Америка бераётганлигини айтиш kifоядир. Шунинг учун асосий эътибор Америка ва Канада бозорларига қаратилиши керак.

Ҳозирги кунда Шимолий Америкада полисларнинг уч тури таклиф этилмоқда: мултириск, дўлдан суғурталаш ва айрим экин турлари суғуртаси. Мултириск суғуртаси суғурта мукофотлари умумий суғурта мукофотининг асосий қисмини ташкил этади ва қишлоқ хўжалик экинларига барча турдаги табиий офатлар (шу билан бирга қурғоқчилик ва сув босиш) етказган зарарларни қоплаб беради. Дўлдан суғурталаш дўл етказган зарарларни қоплаб беради. Айрим экин турлари суғуртаси айрим экин турларига нисбатан қўлланилиб, бунда айрим ҳодисалар кўзда тутилади. Қайси экин тури ва қайси ҳодисаларни суғурталаш ҳар бир ҳудуднинг табиий хусусиятидан ва доимий экиладиган экин турларидан келиб чиқиб белгиланади.

Бу суғурта маҳсулотларининг энг асосий фарқли томонлари шундаки, мултириск Америкада федерал ҳукумат томонидан субсидияланади, Канадада эса федерал ҳукумат ва провинция ҳукумати томонидан субсидияланади. Хизматлар тижорат суғурта компаниялари томонидан кўрсатилганлигига қарамасдан суғурта шартномалари ва тарифлари давлат органлари томонидан назорат қилинади.

Суғурта хизматлари бозорининг хориж тажрибасини тадқиқ этишда ривожланган хориж мамлакатлари билан бирга, МДХ мамлакатларининг тажрибаларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу мамлакатлар иқтисодиёти кўп жиҳатдан миллий иқтисодиёт билан ҳам чамбарчас боғлиқ, ҳам яқиндир.

Ривожланган мамлакатларнинг суғурта бозори тажрибаларидан келиб чиқиб қайд этиш жоизки, суғурта хизматларининг янги турлари вужудга келмоқда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларига тегишли мол-мулкни суғурталашга талаби ошиб бормоқда ва шу билан бирга янги талаблар

¹³ Шахов В.В. Введение в страхование. - М.: Финансы и статистика, 2006. - С. 268-271

шаклланмоқда. Суғурта муносабатларида давлат монополияси барҳам топмоқда. Суғурта тизими бозор инфратузилмасининг муҳим тармоғи сифатида шаклланиб, иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Миллий бозор билан халқаро бозор ўртасидаги тафовутлар йўқолиб бормоқда ва натижада миллий бозорнинг дунё бозорига кириб боришига шарт-шароит яратилмоқда.

Шунга қарамадан, мамлакатимиз суғурта бозорини янада ривожлантиришга бир қатор муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Жумладан:

- суғурта хизматларига фуқаролар ва юридик шахсларнинг талаби ҳамда тўлов қобилятининг паст даражаси;

- суғурта соҳасида етарли даражада бозор механизмларидан фойдаланмаслик ва мажбурий суғуртанинг ривожланмаганлиги, чунки, мажбурий суғуртасиз ихтиёрий суғурта бозори фаол ривожлана олмайди;

- суғурта заҳираларини узоқ муддатли инвестиция қилиш воситаларининг самарали механизмини ишлаб чиқилмаганлиги;

- суғурта ташкилотларининг паст даражадаги капитализацияси, шунингдек миллий қайта суғурталаш бозорининг ривожланмаганлиги. Бу ўз навбатида, йирик қалтисликларни суғурталашга хорижий қайта суғурталаш компанияларини жалб қилишга олиб келмоқда. Бу борада хорижий қайта суғурта компанияларига эркин конвертация қилинадиган валютада қайта суғурта мукофотларини тўлаб беришда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

- суғурта хизматлари бозорида ахборотнинг ёпиқлиги, бу ўз навбатида суғурталанувчилар томонидан барқарор суғурта ташкилотларини танлашда қийинчиликлар туғдирмоқда;

- суғурта компаниялари ва эксперт ташкилотлари ўртасида алоқанинг етарли даражада ривожланмаганлиги суғурта экспертизасининг мукамаллигини таъминлай олмаяпти.

II БОБ. Ўзбекистонда сугурталовчи ва мижоз уртасидаги муносабатлар, уларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тахлили

2.1. Сугурталовчи ва мижоз уртасидаги сугурта шартномаларини тузиш тартиби қоидалари ва уларнинг тахлили

Сугурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий муносабатларини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Шартномада франшиза қўлланилиши мумкин. Франшиза-юридик шахслар кўрган зарарнинг муайян қисми бўлиб, сугурта ҳодисаси юз берганда сугурта ташкилоти ана шу қисм доирасида жавобгар бўлмайди ва у тўланиши керак бўлган сугурта қопламасидан чегириб ташланади.

Сугурта шартномаларини тузиш тартибини юридик шахсларнинг мол-мулкини сугурталаш шартномаси мисолида кўриб чиқамиз. Юридик шахсларнинг мол-мулкини сугурталаш сугурта ташкилотлари томонидан “Сугурта фаолияти классификатори”га мувофиқ, умумий сугурта тармоғининг 8-класси - “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан сугурта қилиш”да қайд этилган шартларда, яъни ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугуртанинг турлари асосида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур классификаторнинг 9-класси ҳам мол-мулкларни сугурта қилишга оид бўлиб, у “Мол-мулкни зарардан сугурта қилиш” деб аталади. 9-класснинг мазмуни 8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугуртанинг турлари жамидан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик шахсларнинг мол-мулкини сугурта қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8 ва 9-класслар бўйича лицензия олган барча сугурта ташкилотлари ҳақлидир.

Юридик шахсларнинг мол-мулкини сугурта қилиш сугурталовчилар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, мол-мулкка (сугурта предмети бўлган ҳамда сугурта шартномасида кўрсатилган кўчар ва кўчмас мулк: бинолар ва иншоотлар, савдо ускуналари, жиҳозлар, оргтехника, сотиладиган маҳсулотлар, маиший ва саноат техникалари, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва қурилмалар, инвентарлар, хом-ашёлар, материал ва бошқа мол-мулклар) эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш билан боғлиқ мулкий манфаатлар юридик шахс мулкини зарардан, оловдан ва табиий офатлардан сугурта қилиш объектлари ҳисобланади.

Юридик шахслар мол-мулкини сугурта қилиш сугурта шартномасини тузган шахс, яъни сугурта қилдирувчи ёки мулк йўқотилганда ёки

зарарланганда суғурта қопламаси тўланиши мумкин бўлган суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний ёки юридик шахс (наф олувчи) фойдасига амалга оширилади.

Мол-мулкларни суғуртага қабул қилиш мақсадида баҳолаш юридик шахснинг бухгалтерия балансидаги маълумотларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Шундан сўнг агент суғуртага қабул қилинаётган мулкларга қандай суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида зарарлар етказилганда суғурталовчи томонидан қопланишини тушунтириш зарур. Шартномада суғурта ҳодисалари деб номланган бўлим бўлиши мумкин. Унда мол-мулкнинг жисмоний йуқолиши ва шикастланишидан кўрилган тўғридан-тўғри зарарларни қуйидагилар натижасида юзага келган бўлса суғурталовчи томонидан қопланиши назарда тутилади:

ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, ернинг силжиши, ер ости сувларининг ҳаракати, сел, чакмоқ уриши, зилзила;

дўл; кўп қор ёғиши ёки музлаш; кулфни бузиб қилинган уғрилиқ; машина ва механизмларнинг, қурилиш материаллари ва қурилмаларнинг, шунингдек учувчи жисмларнинг қўлаб тушиши; иситиш тизимлари, сув ўтказгич ва канализация тармоқларининг бузилиши; ички сантехника тизимларининг ёрилиши; электр ускуналар, асбоблар ва машиналарнинг электр токи таъсирида ички зарарланиши; учинчи шахсларнинг қонунга ҳилоф равишда қасддан содир этган ҳатти-ҳаракатлари.

Юридик шахслар билан суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчи мижозга албатта қандай ҳодисалар содир бўлганда мол-мулкга етказилган зарарлар қопланмаслигини тушунтириши талаб этилади. Суғурта шартномасида бундай ҳодисалар “умумий истиснолар” тариқасида келтирилади. Масалан, юридик шахслар мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- суғурталанувчи, наф олувчи ёки улар вакилларининг корхонада белгиланган ёнғиндан хавфли ёки портловчи нарса ҳамда буюмларни сақлаш қоидалари, шунингдек алоҳида мулк турлари билан муомала қилишда белгиланган бошқа қоидаларни қасддан бузиши;

- ўз ўзидан ёниш, ачиш, чириш ёки бошқа табиий хусусиятлар;

- мол-мулкнинг ўғирланиши, учинчи шахслар томонидан қонунга зид, қасддан содир этилган ҳаракатлар натижасида йўқ қилиниши ёки шикастланиши, агар ушбу ҳолат тегишли ташкилотларга хабар қилинмаган, шунингдек бу ташкилотлар томонидан ушбу ҳодиса тасдиқланмаган бўлса;

- куя, паразит, термит ёки бошқа ҳашоратлар, кўринмаган нуқсонлар, табиий эскириш, чириш, моғорлаш, об-ҳаво намлиги натижасида келтирилган шикастланиш, бузилиш ва зарарлар;

- суғурталанувчи ёки уларнинг вакилларига маълум бўлган ва суғурталовчининг жавобгарлиги кучга киришидан олдин мавжуд бўлган мол-мулкнинг нуқсонлари;

– суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан суғурталанган мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида содир бўлган зарарлар;

– доимий мавжуд бўлган фойдаланиш омиллари (эскириш, коррозия) нинг таъсири ва об-ҳаво омиллари таъсирида аста-секин зарарланишлар ёки суғурталанган буюмларнинг ишлатилмаслиги;

– мол-мулкни ташиш, шунингдек суғурта шартномасида кўрсатилмаган жойда сақланиши;

– суғурта қилдирувчининг суғурталовчига зарарланган буюмларни ёки уларнинг қолдиқларини, зарарланган буюмларнинг буткул йўқ бўлиб кетган ҳолларини истисно қилган ҳолда тақдим этишдан бош тортиши;

– суғурта шартномасида қайд этилмаган бошқа барча ҳодисалар;

– лойиха-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган ишларнинг қисман ёки бутунлай тўхтатилишидан зарарлар;

– кўрсатилган мол-мулкка расман бириктирилмаган ва ишлаш учун махсус ўқитилмаган шахслар томонидан мол-мулклардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш натижасида кўрилган зарарлар;

– ёқилғи-мойлаш материаллари, химикатлар (кимёвий моддалардан тайёрланган моддалар), музлатиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материалларнинг йуқолиши ёки зарарланишидан кўрилган зарарлар;

– қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ички бузилишлари натижасида шикастланишидан кўрилган зарарлар;

– суғурта ҳодисаси содир бўлган вақтда ёки ундан сўнг мулкнинг ўғриланишидан кўрилган зарарлар;

– лойиха - смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган тажриба ва тадқиқот ишлари;

– ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив захарланиш таъсири;

– ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар;

– агар мол-мулкни суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарарлар учун суғурта қопламасини тўлашдан озод қилинади.

Юридик шахсларнинг мулки ҳисобланган қуйидагиларга ҳам суғурта қилиш шартлари тадбиқ этилмайди.

– қуйма қимматбаҳо металллар ёки гардишсиз қимматбаҳо тошларга;

– портловчи моддалар;

– нақд пуллар;

– ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, сув тошиши ва бошқа табиий офатлар юз бериш хавфи бор ҳудудларда жойлашган ҳамда авариявий ҳолатда бўлган иморат, иншоот ва бошқа мулкларга шу хавф ҳақида ўрнатилган тартибда эълон қилинганидан сўнг.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўрсатилганидек, қуйидаги ғайри қонуний манфаатлар суғуртасини амалга ошириш ман этилади:

- ҳар хил ўйинлар, лотереялар ва гаров ўйнашдан кўрилган зарарларни суғурталаш амалга оширилмайди;
- гаровга олинган одамларни озод қилиш мақсадида шахсни мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларини суғурталаш амалга оширилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қуйидаги ҳолларда суғурталовчи суғурта қилдирувчи (наф олувчи)га суғурта қопламаси тўлашни рад этишга ҳақли:

■ суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар тўхтатилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950 - моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тўхтатилган бўлса;

■ суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонунларга асосан ўз кучини йўқотган бўлса;

■ суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериш сабабларини ўрганишга ёки етказилган зарарлар ҳажмини аниқлашга тўсқинлик қилганлиги сабабли шартнома бекор қилинганда ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонунларга асосан суғурта шартномаси кучга эга эмаслигини эътироф этиш ҳақида суғурталовчига даъво берилганда;

■ Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган бўлса, фақатгина бу хатти-ҳаракатлар улар томонидан ўзларини зарур вақтда химоя қилиш мақсадида ёки жуда зарур шароитда қилинган ҳолатларни истисно қилган ҳолларда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашдан озод бўлади.

Маълумки, ихтиёрий суғурта турлари бўйича, жумладан, юридик шахслар мол-мулкни оловдан, табиий офатлар ва зарардан суғурта қилишда суғурта пулининг миқдори суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг келишувига биноан суғурта шартномасида белгилаб қўйилади. Мол-мулкни суғурталашда, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта пули мол-мулкнинг шартнома тузилаётган кунда жойлашган жойдаги ҳақиқий қиймати (суғурта пули)дан юқори бўлмаслиги керак. Суғурта шартномасини тузиш вақтида томонларнинг келишувига кўра белгиланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулкнинг қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади. Мол-мулкнинг суғурта шартномасида кўрсатилган қиймати устида кейинчалик баҳслашиш мумкин эмас, суғурталовчи шартнома тузишдан аввал суғурта таваккалчилигини баҳолаш ҳуқуқидан фойдаланмаганлиги, шу қиймат юзасидан атайлаб чалғитилганлиги бундан мустасно.

Суғурта шартномаси 1 йил муддатга тузилганда суғурта тарифи суғурта объектининг таваккалчилик даражасига қараб суғурта қилишилган

суғурта пулига нисбатан фоизларда белгиланади. Масалан, юридик шахслар мол-мулкини суғурталашда тариф ставкаси 0,1% дан 5% гача миқдорда белгиланиши мумкин. Шартноманинг алоҳида шартлари, таваккалчилик даражаси ҳамда суғурта муддатига қараб суғурта тарифи камайтирилиши ёки оширилиши мумкин. Суғурта шартномаси бир йилдан кам ёки кўп муддатга тузилганда суғурта мукофоти бир йиллик суғурта тўловидан суғурта муддатига нисбатан мутаносиб равишда белгиланади. Томонларнинг келишувига мувофиқ суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ёки суғурталовчининг кассасига ёки у томонидан тайинланган агентга нақд пул тўлаш орқали тўланиши мумкин. Суғурта мукофотини тўлаш тартиби суғурта шартномасида белгиланади. Мисол учун, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини шартнома тузилгандан сўнг 3 кун ичида ёки 72 соат мобайнида тўлаш шартлиги суғурта шартномасида кўрсатилади. Агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда, суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда бўлади.

Суғурта шартномасида суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб, яъни икки ва ундан ортиқ марта тўланиши кўрсатилиши мумкин. Суғурта мукофоти ёки навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаса, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта шартномаси ўз-ўзидан кучини йўқотади ва бунинг учун томонларнинг қўшимча истак билдиришлари шарт эмас. Аввал тўланган суғурта мукофотлари қайтарилмайди,

Томонларнинг келишувига биноан суғурта шартномаси 1 йилгача ва ундан кўп муддатга тузилиши мумкин. Суғурта шартномаси, агар унда бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан кучга киради. Суғурталовчининг жавобгарлиги, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

Мол-мулк суғурта шартномасига биноан ушбу мол-мулкнинг сақланишидан манфаатдор шахс шартномани наф олувчи фойдасига, унинг эгаси, мол-мулкка бошқа мулкӣ ҳуқуқи бор шахслар, ижарачи, пудратчи, сақловчи, даллол ва бошқалар фойдасига тузиши мумкин. Суғурта қилдирувчи ва наф олувчи суғурталанган мол-мулкнинг бут сақланишидан манфаатдор бўлмаган ҳолда тузиладиган суғурта шартномаси ҳақиқӣ ҳисобланмайди. Наф олувчи фойдасига тузилган суғурта шартномасида, унинг исми ёки номи кўрсатилмаслиги мумкин. Бундай суғурта шартномаси тузилганда оқ полис (олувчининг исми-шарифи кўрсатилмаган полис) берилади. Бундай шартнома бўйича ҳақ-ҳуқуқларни талаб қилиш учун суғурталовчига ушбу полис тақдим этилиши лозим.

Суғурталовчи мол-мулк суғурта шартномасига кўра шартномада шартлашилган тўлов (суғурта мукофоти) учун шартномада кўрсатилган

ходиса (суғурта ходисаси) юз берганда суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс, шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса ўша шахс (наф олувчи)га, суғурталанган мол-мулкка ушбу ходиса натижасида етказилган зарарлар ёки суғурта қилдирувчининг мулкый манфаатлари билан боғлиқ зарарлар (суғурта қопламасини тўлаш) учун шартномада белгиланган пул (суғурта пули) чегарасида тўлайди.

Суғурта шартномаси ёзма равишда, битта хужжат тузиш билан ёки суғурта қилдирувчининг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган суғурта полисини суғурта қилдирувчига бериш орқали амалга оширилади. Томонларнинг келишувига кўра шартномага бошқа шартлар киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида Суғурта қилдирувчининг ҳолатини қонунда белгиланган ҳолатга кўра ёмонлаштирувчи шартлар мавжуд бўлса, шартноманинг бундай шартлари ўрнига қонунчиликнинг мос қоидалари қўлланилади. Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи айрим суғурталаш қоидаларини ўзгартириш ёки олиб ташлаш ёхуд шартномага суғурталаш қоидаларда бўлмаган шартларни киритиш ҳақида келишиб олишлари мумкин.

Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи суғурталаш объектига доир тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган бошқа барча суғурта шартномалари ҳақида ҳамда маълум бўлган суғурта ходисасининг содир бўлиш эҳтимолини ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар хажмини аниқлашда аҳамиятга эга бўлган барча шартлар ҳақида суғурталовчига маълум қилиши керак. Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси(полиси)нинг стандарт шаклида кўрсатилган ҳолатлар аҳамиятли ҳолатлар ҳисобланади.

Агар мол-мулк суғурта қийматининг бир қисми миқдорида суғурта қилинган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) кўшимча суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга, шу жумладан бошқа суғурталовчида, лекин бунда барча тузилган суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта пули суғурта қийматидан ошмаслиги керак. Суғурта шартномаси суғурта қийматидан ошиқча суғурта пулига нисбатан кучга эга эмас. Бу ҳолда ортиқча тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

Агар суғурта шартномасида суғурта пули суғурта қийматидан камроқ қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ходисаси юз берганда суғурта қилдирувчи (нафдор шахс)га у кўрган зарарларни суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт. Барча ҳолларда шартнома бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта пулидан кўп бўлиши мумкин эмас. Мол-мулк суғуртаси шартномасини тузган суғурта қилдирувчи вафот этганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шу мулкни мерос бўйича олган шахсга ўтади. Бошқа барча мулкый ҳуқуқларнинг янги мулкдорга ўтиши ҳолатларида, агар шартнома ёки қонунда бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Агар шартномада бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта полиси суғурта қилдирувчига нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти

тўланиши биланоқ ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул келиб тушган кундан сўнг 3 банк иш куни ичида берилади.

Ҳар иккала томон хоҳлаган вақтда суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга, унда мўлжалланган бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин иккинчи томон сўнгги манзили бўйича ёзма равишда огохлантирилиши лозим. Суғурта шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- муддати тугаганда;
- суғурталовчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганда;
- бир томоннинг талабига биноан шартнома бекор қилинганда;
- суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи томонидан суғурта қоидаларига амал қилинмаганда;
- юридик шахс – суғурта қилдирувчининг ёки суғурталовчининг фаолияти Ўзбекистан Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилганда;
- жисмоний шахс – суғурта қилдирувчи вафот этганда, агар учинчи шахс суғурта қилдирувчининг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олмаса;
- суд қарорига биноан суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Агар суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли йўққа чиқса ва суғурта таваккалчилиги суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра мавжуд бўлмай қолса, масалан, суғурталанган мол-мулк суғурта ҳодисасидан ўзга сабаблар туфайли нобуд бўлса суғурта шартномаси муддати тугамасдан олдин тўхтатилади. Бу ҳолда суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта шартномаси амалда бўлган вақтга мутаносиб бўлган қисмини олиш ҳуқуқига эга. Суғурта шартномасидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг муддатидан илгари воз кечиши натижасида суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти агарда шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса қайтарилмайди. Агар суғурта қилдирувчининг ёлғон маълумотлари асосида суғурта шартномасидаги суғурта пули оширилган бўлса, суғурталовчи суғурта шартномаси бекор қилиниши ва етказилган зарарларни қоплаш мақсадида суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти миқдоридан кўпроқ миқдорда тўлов талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар суғурта шартномаси тузилганидан сўнг суғурталовчига суғурта қилдирувчи томонидан мавжуд шарт-шароит ҳақида атайлаб ёлғон маълумотлар берилгани маълум бўлса, суғурталовчи шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи мижоз билан суғурта шартномасини расмийлаштиришда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айниқса мижознинг ҳуқуқ ва

мажбуриятларини атрофлича тушунтириши керак.

Шартномадага мувофиқ суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- суғуртанинг амал қилиш муддати давомида суғурта масалалари бўйича суғурталовчидан маслаҳатлар олиш;

- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчидан суғурта қопламаси олиш;

- суғурта ҳодисаси юз берганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;

- барча мулкни ва алоҳида объектларни қўшимча суғурта қилиш.

- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва/ёки ўзгартиришлар киритиш.

- шартномани суғурталовчини огоҳлантириш шарти билан муддатидан аввал бекор қилиш.

Шу билан бир қаторда суғурта қилдирувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

- суғурта объекти ҳақида суғурталовчига тўлиқ ва аниқ маълумотлар бериш;

- суғурта объектини кўриб чиқишга имконият яратиш;

- суғурталовчига таваккалчиликдаги сезиларли ўзгаришлар содир бўлган тақдирда дарҳол хабар бериш, масалан қуйидагилар ҳақида:

- суғурталанган объектни бошқа шахс ихтиёрига ўтиши, мулкни гаровга ёки ижарага берилгани ҳақида (сотиб олувчи, гаровга олувчи ёки ижарачининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда);

- мол-мулк жойлашган ўрнининг ўзгаргани, иншоотни қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ёки уларни бошқа мақсадларда ишлатилиши ҳақида;

- ишлаб чиқариш ишларининг тўхтатилгани ёки фаолияти ўзгаргани ҳақида;

- мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарлангани ҳақида, зарарлар қопланиши мумкин ёки мумкинмаслигидан қатъий назар;

- суғурталанган бинода ёки унга алоқадор бўлмаган яқин жойда ёнғиндан хавфли, портловчи ёки бошқа нарсаларнинг сақланиши ҳақида;

- суғурта қилдирувчи талабга кўра содир бўлган ҳодиса ҳақида тегишли давлат органларига дарҳол хабар бериш шарт. Содир бўлган воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишнинг судга оширилганлиги ҳақида тергов органлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг нусхасини суғурталовчига тақдим этиши зарур;

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига зарарланган мол-мулкни кўздан кечириш учун имконият яратиш ёки мол-мулкнинг зарарланган қисмларини суратга ёки видеотасвирга олиб беришда амалий кўмак бериши лозим.

Суғурталанган мол-мулкнинг шароитини шартноманинг амал қилиш муддати давомида ҳамда суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни текширишга суғурталовчига

имконият яратиш.

Шартномада суғурталовчининг ҳуқуқлари ҳам кўрсатилади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурталанган мол-мулкнинг ахволи ва қийматини ҳамда суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотлар тўғрилигини текшириш;

- суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида суғурта қилдирувчининг хабар беришини кутмасдан суғурта ҳодисалари оқибатида етказилган зарарларни кўриб чиқиш ва баҳолашни бошлаш;

- суғурта ҳодисаси юз берганда таваккалчилик даражасини ифодаловчи кўшимча ҳужжатларни талаб қилиш;

- суғурта ҳодисаси содир бўлгани ва унинг келиб чиқиш сабабларини тасдиқловчи керакли ҳужжатлар ва тўлиқ маълумотга эга бўлмагунга қадар ҳамда воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганида тегишли ташкилотлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар суғурта қопламаси тўлашни кейинга суриш;

- суғурта таваккалчилигининг даражаси ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган тақдирда суғурта шартларини ўзгартири;

- суғурта ҳодисасини юз бериш эҳтимолини камайтиришга қаратилган огоҳлантирув тадбирларини ўтказиш ва тегишли маблағлар билан таъминлаш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари доирасига қуйидагилар киради:

- суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта полисини бериш ва суғурта шартномаси тузишда асосланилган суғурта қоидалари билан таништириш;

- суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта қопламаси тўлаш муддатлари ҳар бир алоҳида суғурта шартномаси шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

- суғурта қопламаси тўланмайдиган бўлса, тўламаслик ҳақида қарор қабул қилинганидан бошлаб 15 кун мобайнида суғурта қилдирувчини хабардор қилиш;

- суғурта қилдирувчи, наф олувчилар билан муносабатлардаги махфийликни таъминлаш.

Суғурта шартномасидаги энг муҳим жиҳатлардан бири унда суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш шартларини баён этилишидир.

Суғурта шартномасига асосан суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар топганидан сўнг дархол бу ҳақида суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши керак. Агар шартномада суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар беришнинг муддати ва/ёки усуллари белгиланган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчи хабар беришни шартномада белгиланган муддат ва усулда амалга ошириши керак. Худди шундай мажбурият наф олувчига ҳам агар у унинг фойдасига тузилган шартнома юзасидан суғурта

қопламасига даъво қилиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлса юклатилади. Ушбу мажбурият бажарилмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида ўз вақтида хабардор қилинган ёки бундай маълумотларнинг йўқлиги суғурталовчинини суғурта қопламаси бўлаш мажбуриятидан озод қилиши исботланмаса бўламасликка ҳақлидир.

Суғурта қилдирувчи суғурта қопламасини бўлаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатади:

- суғурта ҳодисасининг тавсифи ва санаси;
- суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юз бергандаги хатти-ҳаракатлари;
- зарар миқдори ва суғурта қилдирувчининг даъво қилаётган суғурта қопламасининг миқдори, тегишли рўйхат ҳамда суммаси кўрсатилган ҳолда;
- учинчи шахслардан зарар учун олинган тоvon миқдори.

Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда ўтказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини камайтириш учун мумкин бўлган оқилона чораларни кўришга мажбур. Суғурталовчи томонидан қопланадиган зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида қилинган харажатлар, агар бу харажатлар зарур ёки суғурталовчининг топшириғини бажариш учун қилинган бўлса, аммо бу чора-тадбирлар самара келтирмаган бўлса ҳам суғурталовчи томонидан зарар албатта қопланиши зарур. Бу харажатлар суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб тарзда, бошқа зарарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан ошиб кетишидан қатъий назар қопланади. Суғурта қопламаси суғурта қилдирувчининг зарарни қоплаш ҳақидаги ёзма аризасига ҳамда вазият талаб қилган ҳолларда тегишли орган ва ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ бўланади.

Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар қилинганидан сўнг суғурта қилдирувчи, суғурталовчи ва зарур ҳолларда тегишли ташкилотлар вакилларида иборат комиссия тузилади. Агарда суғурта ҳодисаси суғурта шартномасида кўрсатилган муддат давомида юз бергани тасдиқланса, комиссия томонидан зарарларнинг сабаби ва ҳажми кўриб чиқилади, зарарлар ва йўқотишлар миқдори аниқланади, суғурта қопламаси бўлаш учун сумма аниқланади ва далолатномада қайд қилинади. Ушбу далолатнома суғурталовчининг суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган муддатда қоплама бўлашига асос бўлиб хизмат қилади.

Агар томонлар зарарнинг сабаби ва ҳажми юзасидан ўзаро келиша олишмаса, у ҳолда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин. Суғурта қопламаси суғурта суммасидан кам миқдорда бўлган суғурта шартномаси, шартномадаги ва бўлган суғурта қопламаси ўртасидаги фарқ миқдори муддати тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади. Агар зарар унинг сабабчиси томонидан бутунлай қопланган ёки суд қарорига биноан унинг зиммасига юклатилган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчи суғурта қопламасини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Агар суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи зарар сабабчиси ёки учинчи шахслардан қоплама олган бўлса, суғурталовчи фақат сабабчи ёки учинчи шахс томонидан тўланган қоплама билан суғурта шартномасига мувофиқ тўланиши керак бўлган пул ўртасидаги фарқни тўлайди. Агар мулкнинг йўқ бўлиши ёки зарарланиши жиноят натижасида юз берса ва бу жиноятни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси, айбдор шахсга берилган даъво регресси суд томонидан жиноий иш қўрилаётганда қўриб чиқилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, тергов олиб борилаётган даврда ёки тергов тугагандан сўнг тўланиши мумкин.

Қоплама миқдори мулк зарарланганда уни алмаштириш қиймати билан, у буткул нобуд бўлганда эса рўйхатда кўрсатилган ҳақиқий қиймати билан чегараланади. Аммо суғурта қопламасининг умумий миқдори суғурта шартномасидаги умумий суғурта пулидан ёки ҳар бир банд бўйича жавобгарлик лимитидан ошиб кетмаслиги керак. Агар суғурта шартномасида назарда тутилган бўлса суғурталовчи қопламани суғурта шартномасида белгиланган франшизани ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

Суғурталовчининг суғурта қопламаси тўламаслик ҳақидаги қарори тўғрисида суғурта қилдирувчи (наф олувчи)га уларнинг суғурта қопламаси тўлаш ҳақидаги мурожаатидан бошлаб 15 кун мобайнида хабар берилиши керак. Хабарномада рад этишнинг сабаблари кўрсатилиши лозим.

Суғурталовчининг суғурта қопламасини ёки суғурта пулини тўламаслик ҳақидаги қарорига судга даъво аризасини берган ҳолда эътироз билдирилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталаш натижасида қопланган суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг зарар келтирган шахсга бўлган даъво ҳуқуқи суғурта қопламасини тўлаган суғурталовчига у тўлаган пул доирасида ўтади. Бирок атайлаб зарар етказган шахсдан даъво қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини инкор этувчи суғурта шартномасининг шарти кучга эга эмас.

Суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқи суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга амал қилинган ҳолда амалга оширилади. Суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар, далиллар ва бошқа маълумотларни суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига тақдим этишга мажбур. Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зарар учун жавобгар шахсга бўлган суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун даъво ҳуқуқидан воз кечса ёки унинг айби туфайли даъво қилишнинг иложи бўлмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламаслик ва тўланган суғурта қопламасининг ортиқча қисми қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар суғурта қилдирувчи қайта ташкил қилинса, унинг суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисига ўтади ва бу ҳақида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчини ёзма равишда хабардор этади. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахсларга ўтказиш томонларнинг ёзма розилигисиз амалга

оширилиши мумкин эмас. Хар бир суғурта шартномасига хар бир суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган хар бир зарар ёки ҳамма зарарлар бўйича шартсиз франшиза/шартли франшиза қўлланилади. Франшиза миқдори томонлар билан келишилади ва суғурта шартномасида кўрсатилади. Томонлар форс-мажор шартлари даврида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки бутунлай бажара олмасликлари учун жавобгар эмаслар. Форс-мажор шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, ишташлалар, давлатлараро ва давлат ташкилотларининг чекловчи ва таъқиқловчи чоралари, суғурта шартномаларида кўрсатилмаган табиий офатлар. Форс-мажор шартлари юз берганда ёки тугаганда томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Форс-мажор шартлари юз берганда томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари форс-мажор шarti давом этган муддатга тенг муддатга узайтирилади. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Суғурта қопламаси суғурталанувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси, шунингдек, ваколатли органлардан олинган тегишли ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва миқдорини аниқлайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф этган тақдирда йўқотиш ва зарарлар миқдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг миқдори аниқланади. Томонлар буни далолатномада қайд этадилар.

Мазкур далолатнома суғурталанувчига суғурталовчи томонидан сутурта товони тўланиши учун асос бўлади.

Зарар сабаблари ва миқдори хусусида томонлар ўртасида низолар пайдо бўлган ҳолларда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;
- зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши керак;
- зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон миқдори.

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланмаган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўланмайди:

- агар суғурталанувчи зарар етказилишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни атайлаб ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли содир этган ёки

уларга йўл қўйган бўлса;

-башарти зарар келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширилаётган бўлса, текширув тамом бўлгунга қадар.

Мабодо суғурталанувчи ёки наф олувчи шахс зарар учун айбдор ёки учинчи шахслардан тоvon олган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларига кўра тўланиши лозим бўлган пул билан айбдор ёхуд учинчи шахслардан олинган пул ўртасидаги фарқнинг ўзини тўлайди.

Шартнома имзолагандан сўнг таваккалчилик даражасида рўй берган ва суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини оширадиган барча ўзгаришлар суғурталовчига суғурта шартларини ўзгартириш ҳамда қўшимча суғурта мукофоти тўланиши талаб қилиш ҳуқуқини беради. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортган тақдирда мазкур шартнома юридик кучини йўқотади, тўланган суғурта мукофоти эса қайтариб берилмайди.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов микдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар микдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда курсатилган мажбуриятларини бажармай қўйгунларига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин бериладиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган харажатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада келишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар етказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул микдорида суғурталовчига ўтади. Бунда суғурталанувчи айбдор шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига бериши шарт.

Суғурталанувчи зарар етказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек пролонгация, бекор қилиш ёки тўхтатиш томонларнинг розилиги билан ўзаро хабар берилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилмоғи даркор.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун ҳўжалик судига оширилади.

Суғурта ташкилоти учун суғурта шартномаларидан тушган суғурта мукофотлари асосий даромад манбаи ҳисобланади ва суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта қопламаларини тулаш суғурта шартномаси бажарилишининг асосий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон суғурта бозори 2009 йил фаолиятининг дастлабки якунлари чиқарилар экан, таъкидлаш керакки, молиявий бозорнинг мазкур сегменти барқарор ривожланишини намоён бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 2009 йилда тушган суғурта мукофотларихажми 142,7 млрд.сўмни ташкил қилди. Суғурта мукофотлари ҳажми ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан 62,2% ташкил қилди. Қайд этиш керакки, 2009 йида ўсиш суръати 42,6% пунктига ошди. Бу охириги 7 йил ичидаги энг баланд кўрсатуиҳ саналади. Маълумки, 2009 йилнинг 1-чораги ва 1-чи ярим йиллиги якунлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми суръат билан ўсгани асосан, ФЖМС жорий этилиши сабабли деб эътироф этилди. 2009 йилнинг 9 ойи ва йил якунлари шуни кўрсатадики, суғурта компанияарининг фаоллашгани нафақат мажбурий суғурта, балки ихтиёрий суғурта йўналишида ҳам кузатилган. “SAIPRO” компанияси таҳлилчилари ҳисобот даврида тушган суғурта мукофотларининг 84,4% ушбу йилда тузилган шартномаларга асосан келиб тушган, дея таъкидлайдилар. Тушган суғурта мукофотларининг 16,6% аввалги йилда тузилган шартномаларга тегишли. Ҳисобот даврида тузилган шартномаларга тегишли тушумларнинг катта қисми ҳам 2009 йил давомида суғурта фаолияти сезиларли даражада фаоллашганини тасдиқлайди. Натижада, тузилган шартномалар бўйича тушган мукофотлар ҳажми 119,0 млрд. сўмни ташкил этди.

-жадвал

2009 йилда суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми

2009 йил якунида суғурта тўловлари ҳажми бозор бўйича 14,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бу аввалги йил кўрсаткичларидан 28,4% катта. Суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш суръатлари суғурта тўлоқлари ҳажми

ўсишидан катта бўлгани катта бўлгани боис суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси (суғурта тўловлари ва муғурта мукофотлари нисбати) аввалги кўрсаткичлар пасайди. Суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси 13,9% га тенг келди. 2008 йил якунлари бўйича зарарлилик даражаси 17,6% ни ташкил қилди. 2009 йил мобайнида суғурта компанияларига 23541 та суғурта даъволари келиб тушди. Уларнинг 87,8% қондирилди. Рад этилган даъволар улуши 5,6% ни ташкил этди. Қолган 6,6% суғурта даъволарини қондириш келаси йилга ўтказилди. 2009 йил мобайнида суғурта даъволари сони суръат билан ўсди.

2009 йил суғурта шартномалари бўйича қўрилган суғурта даъволари кўрсаткичлари

Агар 1-чорак якунига кўра уларнинг сони 6256 та бўлса. 2-чорак якунига келиб уларнинг сони икки баробар ўсди ва 12921 тани ташкил этди. Ўртача, 2009 йил давомида ҳар чоракда суғурта компанияларига 5700 тага яқин суғурта даъволари тушган.

Умуман олганда, 2009 йил якунларига кўра етакчиликнинг биринчи ўнлигига ФЖМС бўйича фаолият олиб бораётган 9 та суғурталовчининг 7 таси, шунингдек, ИФЖМС билан шуғулланаётган 12 суғурталовчи киради.

2.2. Сугурта воситачилари, уларнинг сугурталовчи ва мижоз уртасидаги муносабатларни шакллантиришдаги урни ва фаолият тахлили.

Сугурталовчи ва мижоз уртасидаги муносабатларни амалга оширишда сугурта воситачилари муҳим уринни эгаллайдилар. Сугурта воситачилари икки хил булади - сугурта агентлари ва сугурта брокерлари. Мамлакатимизда сугурта агентларининг фаолияти “Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида” қонуни ва ”Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2003 йил 28 январдаги 19-сон буйруғига асосан тасдиқланган ҳамда 2003 йилнинг 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1213-сон билан рўйхатга олинган “Сугурта агентлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ тартибга солинади. Сугурталовчининг номидан ва унинг топшириғига мувофиқ сугурта шартномаларини тузиш ҳамда унинг ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга сугурта агенти дейилади.

Сугурта агенти – сугурталовчи номидан ва унинг топшириғига кўра берилган ваколатлар доирасида иш юритувчи жисмоний ва юридик шахслардир. Сугурта агенти ва сугурта ташкилоти ўртасидаги муносабатлар агентлик битимига асосланади. Агентлик битими - томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгиловчи юридик ҳужжат.

Сугурта агентлари сугурталовчининг топшириғига биноан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ фаолият юритувчи жисмоний ёки юридик шахслардир. Сугурта агенти томонидан сугурта шартномасининг тузилишини вакил томонидан битимни амалга ошириш деб баҳоланади. Ваколат муносабатларининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- сугурта воситачиси муайян бир сугурталовчининг вакили сифатида чиқади, яъни беистисно тарзда унинг номидан ва махсус ҳужжат (маслан, ишончнома, агентлик шартномаси ва ҳ.к.) асосида иш олиб боради;
- сугурта агенти унга сугурта ташкилоти томонидан берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади. Бунда агентнинг ваколатлари тузиладиган шартномалар турига кўра, сугурталанувчилар тоифасига кўра, алоҳида битимнинг ҳажмига кўра белгиланиши мумкин;
- сугурта агенти томонидан тузилган сугурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бевосита сугурталовчига дахлдор бўлади. Аммо агент сугурта шартномасини тузиш чоғида ўз ваколатларини суъистемол қилган бўлса ёки сугурталовчи томонидан ваколат берилмаган ҳаракатларни амалга оширса, бундай шартнома амалдаги қонунчиликка биноан сугурта агентининг ўз номидан ва ўз манфаатлари бўйича тузилган деб ҳисобланади. Сугурталовчи кейинчалик бундай сугурта шартномасини маъқуллаши ҳам, ёки уни рад этиши ҳам мумкин. Бироқ сугурталовчи ҳар қандай ҳолатда ҳам сугурта агенти воситачилигида тузилган бундай шартномалар амалдаги қонунчилик талабларига ва ёки сугурталовчи томонидан тасдиқланган,

суғурта назорати ижроия идораси билан келишилган суғурталаш шартларига (қоидаларига) хилоф бўлса, уни маъқуллашга ҳақли эмас.

Суғурта воситачиларининг фаолияти иккита асосий вазифани бажаришга қаратилган – суғурта хизматларини суғурталовчидан истеъмолчи томонига ҳаракатлантириш ва хизмат истеъмолчиларига маслаҳат ёрдами кўрсатишдир. Агентнинг ҳуқуқий мақомини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти айнан биринчи вазифани бажариш билан ажралиб туради, ҳолбуки, ҳаётни суғурталаш хизматларини ҳаракатлантираётган чоғида агент воситачилик вазифалари билан бир қаторда маслаҳат хизматини ҳам кўрсатади. Бунда ҳаётни суғурталашга оид суғурта маҳсулотларини ҳаракатлантиришни ташкил этиш тажрибасида суғурта маслаҳатчиси тушунчасининг ишлатилиши одатдаги ҳол, фақат бу ўз ҳуқуқий мақомига кўра суғурта агенти бўлиб, мақсадга эришиш йўлидаги фаолиятида маслаҳат беришдан ҳам бир восита сифатида фойдаланади, зарур даражада маҳорат ва малакага эга бўлса, эҳтимолдаги истеъмолчининг суғурта маҳсулотини харид қилиш бўйича талабларини ва майлини аниқлаб олиш, унга ниҳоятда мос келадиган хизмат турини ҳамда суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш (такомиллаштириш) ва бекор қилиш шартларини тавсия этиш имкониятини кўлга киритади.

Юридик шахс бўлган суғурта агентлари бу - кўпинча асосий фаолият тури сифатида суғурта воситачилигидан бошқа фаолият билан шуғулланадиган, аммо ўз мижозлари базаси мавжудлиги сабабидан ўз товарлари, ишлари хизматлари билан бир қаторда суғурта хизматларини ҳам тавсия қилувчи компаниялар ёки маклерлик агентликларидир. Юридик шахс – агентлар сифатида иш юритувчи биринчи турдаги компанияларга мисол тариқасида сайёҳлик агентликларини, автосалонларни ва автотаъмирлаш устахоналарини (автосервисларни), нотариус идораларини, адлия (адвокатлик) бюроларини ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Иккинчи турдаги компаниялар – бу мазкур компания жойлашган мамлакат қонунчилигида кўзда тутилган муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган юридик шахслар (хорижий корпорация) бўлиб, айнан суғурта компанияларига агентлик тариқасида суғурта воситачилиги хизматларини кўрсатиш мақсадида тузилгандир.

Суғурта агентини муқофотлаш, қоидага кўра, қайд этилган ставкалар (масалан, фоизларда) асосида бажарилади ва сотилган суғурта хизматлари ҳажмига боғлиқ бўлади.

Хорижий ва Ўзбекистон тажрибасида агентлик тармоқларини тузишнинг учта асосий андозаси мавжуд бўлиб, суғурталовчи улардан алоҳида-алоҳида ҳам, муайян жамликда ҳам фойдаланиши мумкин:

а) оддий ёки горизонтал андоза, бунда суғурта компанияси барча ва ҳар бир агентнинг фаолиятини назорат қилиб туради, бундан ташқари, суғурта компанияси ўзининг штатдаги ходимлари воситасида агентлар учун ўқув машғулотлари ва доимий маслаҳат ишини ташкил этади;

б) пирамидасимон андоза, бунда суғурта компанияси бош агентлар билан шартнома тузади, улар эса ўз навбатида, битта-иккита ва ундан ҳам

кўпроқ кичик агентликлар поғонасини ташкил этишга ҳақли. Тажрибада 4 – 7 поғонали ана шундай андозалар учрайди. Комиссион мукофот бундай андозада барча поғоналарга тақсимланади, бунда поғона юқорилашгани сайин агентнинг мукофот ставкаси шунчалик пасайиб боради. Яна поғона қанчалик юқори бўлса, пастдагиларга баланд даражада турувчи бундай агентнинг полислар сотиш ишига майли шунчалик кам бўлади, чунки унга нисбатан пастда турувчи тизим, унинг учун худди шу ишни бажариб бериш учун тузилган;

в) кўп поғонали андоза, бунда суғурталанувчи, суғурта хизматини сотиб олар экан, ўзи ҳам агентга айланади ва бошқа эҳтимолдаги истеъмолчиларга суғурта маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Тажрибада агентларнинг икки турини учратиш мумкин, “боғланган” ёки “тегишли” агентлар ва мустақил агентлар. Аввалгилари фақат битта суғурталовчининг манфаатларига ваколатли бўлса, иккинчилари иккита ёки ундан кўпроқ суғурта компанияларининг суғурта маҳсулотини, шу жумладан турли суғурта компанияларининг бир хил маҳсулотларини ҳаракатлантириш ваколатини олган бўлишлари мумкин.

Агентларнинг биринчи тури суғурта хизматларини ҳаракатлантиришнинг европадаги тажрибасига хос, иккинчиси эса – американча. “Тегишли” агент (tied agent) Европа Иттифоқи мамлакатларида суғурта хизматларини сотишнинг анаънавий тармоғи бўлиб ҳисобланади. Суғурта воситачилари тўғрисидаги Европа Директиваси 77/92/ЕЕС директиваларнинг биринчи авлодини бошлаб берган суғурта соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тоифасига киради. У Европада суғурта хизматларини сотиш тизимининг ривожланиши учун кучли туртки бўлиб хизмат қилди ва Европа Иттифоқида агентлар ва брокерларнинг воситачилик фаолиятини ташкил этиш эркинлиги ва амалга ошириш эркинлиги учун замин яратиб берди. Аммо ЕИ суғурта фаолиятини тартибга солишга оид адабиётларда кейинги вақтда суғурта компанияларининг мазкур сотиш каналидан воз кечишга интилиши кучайиб бораётганлиги таъкидланмоқда, бунда воз кечиш учун қуйидаги сабаблар важ бўлиб хизмат қилмоқда:

а) агентлик тармоғини сақлаш харажатларининг юқори даражада эканлиги;

б) агентларнинг суғурта компанияси билан муносабатларда ҳам, суғурта хизматларининг истеъмолчилари билан бўлган муносабатларда ҳам тез мосланувчанлик хусусиятига эга эмаслиги.

Бундан ташқари, агентларнинг маслаҳат ва эксперт ўтказиш салоҳиятлари анча чекланганлиги таъкидланади, бу эса хусусан, сотув тармоғи кенг ёйилган ҳаётни суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотларининг ҳаракатлантиришда ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади.

Суғурта хизматларини сотишнинг муқобил йўналишларини хорижий суғурта компаниялари тўғридан-тўғри сотув ресурсларида, шунингдек, банклар ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорлик қилишда деб ҳисобламоқдалар.

Истеъмолчи телефон орқали суғурта компаниясига мурожаат қилишидан фойдаланиб суғурта маҳсулотини сотиш, Интернет ёрдамида суғурта маҳсулотларини сотиб олиш ва ҳ.к. тўғридан-тўғри сотув усулини амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Шу орқали суғурта компаниялари суғурта маҳсулотларини ҳаракатлантиришга, айниқса, оммавий суғурта маҳсулотлари бўйича ўз харажатларини оптималлаштирадилар.

Суғурта маҳсулотларини банк орқали тарқатишнинг стратегияси қуйидаги воситалар ёрдамида амалга оширилади:

а) bancassurance деб ном олган банк суғуртаси, ёки банкка қўшимча кредит ресурсларини, шунингдек, унинг ўзи бевосита тақдим этмайдиган хизматларни жалб этиш имконини берадиган усул бўлиб, ипотека кредитлари полисини, ҳаётни суғурталаш, жумладан, ҳаётни кредит орқали суғурталаш полисини, бахтсиз ҳодисалар суғуртаси полисини сотиш кабилардан келиб чиқадиган хатарлардан суғурталаш чоғида тўғри келади;

б) assurfinance деб ном олган – ассюрфинанс ёки суғурталовчи томонидан молиявий хизматларнинг тақдим этилишини кўзда тутиш;

в) аралаш стратегия – банк суғуртаси ва ассюрфинанс воситаларини қўшиб олиб бориш усули allfinanz деб аталади ва ўзида банклар билан суғурта компаниялари ўртасидаги, худди шунингдек, молия хизматларини кўрсатувчи барча субъектлар ўртасидаги чегаралар йўқолиб бораётганини акс эттиради.

Банклар ва суғурта компанияларининг ўзаро ҳамкорлигининг: суғурта хизматларини банк маҳсулотларига киритиш, суғурта трастидан, суғурта депозит жамғармасидан фойдаланиш, банкнинг жисмоний ва юридик шахсларга кредит ажратиш дастурига суғурталовчи хизматларини ҳам киритиш каби бошқа шакллари ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, банк (ёки бошқа молия институтлари) ва суғурта компаниялари биргаликда аҳолининг эҳтиёжларини тақдим этилаётган хизматлар ҳажмига кўра ҳам, нархига кўра ҳам тўлиқроқ мос келадиган молия маҳсулотини ишлаб чиқишлари ва бозорга чиқариш имкониятига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда руйхатдан ўтган ва ўз фаолиятини амалга оширувчи ҳар қандай юридик шахс ва фуқаролик салоҳиятига эга бўлган жисмоний шахслар суғурта агенти сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Суғурта агенти лавозимида ишбилармонлик қобилиятига ва тегишли касбий маълумотга эга бўлган жисмоний шахслар қабул қилинади. Суғурта агенти фуқаролар билан муомала қилиш кўникмасига эга бўлиши ва суғурта ишининг асосларини билиши зарур. Суғурта агенти суғурта компаниясининг штатдаги ходими бўлиши мумкин ёки суғурта агенти лавозимини ўриндошлик асосида компаниянинг ҳар қандай ходими амалга оширишлари мумкин. Бундай ҳолатда суғурта агентининг функцияси, ҳуқуқи ва мажбуриятлари суғурталовчининг лавозим йуриқномалари асосида белгиланади. Агар, суғурта агенти штатдан ташқари ходим бўлса, унинг суғурталовчи билан

бўладиган ўзаро муносабати, улар ўртасида тузиладиган агентлик битими билан белгиланади.

Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- потенциал суғурталанувчиларга суғурталовчи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

- суғурталанувчилар билан суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни (суғурта қилиш Қоидалари, суғурта операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида Йуриқномалар, шартномалар, суғурта полислари ва ҳоказо) суғурталовчидан олиш.

- суғурталовчи номидан суғурта полисларини ёзиш.

- суғурталовчининг топшириғига мувофиқ, суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарни аниқлаш.

- суғурта қилинган мол-мулкни сақлаш ва ҳолатини назорат қилиш. Суғурта қилинган мол-мулкни нобуд бўлиши ёхуд зарарланишига олиб келувчи омиллар аниқланган тақдирда, бу ҳақда тегишли чора кўриш учун суғурталанувчига хабар қилиш.

Суғурта агентининг мажбуриятлари:

- суғуртанинг моҳиятини ва суғурта шартномаларини тузиш тартибини билиш.

- Суғурта шартномасини тузиш чоғида ихтиёрий суғуртани тегишли тури бўйича Қоидалар билан суғурталанувчини таништириш.

- Қўшимча мижозларни жалб этиш юзасидан суғурта бозорининг ҳолатини ўрганиш.

- Суғурта қилиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида суғурта объектини кўрикдан ўтказиш.

- Суғурта шартномаларини тўғри тузиш ва уни янги муддатга расмийлаштириш, суғурта ҳужжатлари ва ундаги реквизитларни пишиқ ва аниқ тўлдирган ҳолда, ушбу ҳужжатларда бўяш, ўчириб ёзиш ва хатони тўғрилаш ҳолатларига йўл қўймаслик.

- белгиланган тартибдаги суғурта агентининг шахсий варақасини паспорт нусхасини илова қилган ҳолда расмийлаштириш.

Суғурта агентларига тўланадиган воситачилик ҳақи суғурталовчининг ёки унинг филиалининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган суммага нисбатан фоизларда ҳисобланади. Суғурта агенти-жисмоний шахс бўлган тақдирда, унга воситачилик ҳақи компания ёки унинг филиали кассасига нақд пул шаклида топширилган суғурта мукофотига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоблашишларнинг аниқ тартиби суғурта агенти ва суғурталовчи ўртасида тузилган топширик шартномаси (агентлик келишуви)да кўрсатилади. Топширик шартномаси (агентлик келишуви)да қуйидагиларни назарда тутилади:

- суғурталовчи ва суғурта агенти ўртасида ўзаро ҳисоблашиш тартиби;
- суғурта мукофотлари суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш муддати;
- комиссиян тўловларнинг ҳажми, тўлаш шарти ва тартиби.

Суғурта агентлари меҳнатига ҳақ тўлаш, суғурта агенти тузган шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (тўловлари)дан комиссиян пули шаклида амалга оширилади.

Комиссион пули миқдори суғурта агенти тузган суғурта шартномалари бўйича суғурталовчи ҳисоб рақамига тушган суғурта мукофотларининг (тўловлари) 25 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Суғурта мукофотлари суғурта агентининг ҳисобига келиб тушганда, суғурта агенти уларни суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш, суғурта мукофотларига нақд пулда қабул қилиб олганда эса суғурта агенти уларни ўша куннинг ўзида ваколатли банкнинг кирим кассасига топшириши керак. Агар суғурта агенти суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш муддатига амал қилмаса ёки уларни асоссиз ушлаб турса, ўша даврда суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта қилинувчининг олдидаги суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятларга суғурта агенти жавобгар бўлади.

-жадвал

Суғурта агентларига ҳисобланадиган воситачилик ҳақларининг миқдорлари

Суғурта турлари	Воситачилик ҳақлари
1. Жамғариб бориладиган бонусли узок муддатли ҳаёт сугуртаси «Ўзбекинвест ҳаёт» сугурта ташкилоти амалга оширади	5%
2. Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурталаш	25%
3. Юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкани суғурталаш	25%
4. Юридик ва жисмоний шахслар юklarини ихтиёрий суғурталаш	25%
5. Фуқороларни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш ва тиббий сугурта	25%
6. Автомобил транспорти воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлигини ихтиёрий суғурталаш	25%
7. Мажбурий суғурта турлари сугурта ташкилоти шароитидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади	5%-20%

Жадвалдан куруниб турибдики агентларнинг воситачилик ҳақлари тузилган сугурта шартномалари тури билан бевосита боғлиқ. Масалан% жамғариб бориладиган бонусли узок муддатли ҳаёт сугуртаси «Ўзбекинвест ҳаёт» сугурта ташкилоти амалга оширади, 5% миқдорида белгиланган, бу айнан шу сугурта турининг сугурта ташкилотига олиб келадиган

даромадига боглик. Мажбурий сугурта турлари буйича воситачилик хаки асосан 10% ташкил этади, аммо баъзи сугурта ташкилотлар (ALFA INVEST, ASIA INSURANCE) 15% дан 20% воситачилик ҳақларини тулаш ҳоллари кузатилмоқда. Суғурта агентининг суғурталовчи олдидаги моддий жавобгарлиги алоҳида шартномада қайд этилади.

Чет мамлакатларда, айниқса иқтисоди тараққий этган мамлакатлар сугурта тизимида брокерлар муҳим ўрин эгаллайди. Мустақиллик туфайли ва иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар сугурта соҳасида ҳам брокерларни фаолият кўрсатишига замин яратди. Тан олиш зарурки, ҳозирги пайтда ўзбекистонда сугурта брокерлари унчалик ривожланган эмас. Мавжуд маълумотларга кўра, 2010 йилнинг 1 май ҳолатига мамлакатимизда 3 та сугурта брокери фаолият юритиш учун тегишли лицензия олган. Шуниси эътиборлики, ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Қонунининг (ҳозир ўз кучини йўқотган) 7-моддаси «Суғурта вакиллари ва сугурта брокерлари» деб аталиб, унда шундай дейилган эди: «Суғурталовчилар сугурта фаолиятини сугурта вакиллари ва сугурта брокерлари орқали амалга оширишлари мумкин. Суғурта вакиллари ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ суғурталовчи номидан ва унинг топшириғи асосида иш кўрадиган юридик шахслардир».

Суғурта брокерлари белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатга олинган, суғурталанувчи топшириғи асосида сугурта бўйича ўз номидан воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслардир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл сугурта ташкилотлари номидан сугурта шартномаларини тузиш билан боғлиқ воситачилик фаолиятини амалга оширишга, башарти, Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги давлатлараро битимларда ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида сугурта воситачилари, шу жумладан сугурта брокери сугурта фаолиятининг субъекти сифатида қайд этилган. Шу қонуннинг 7-моддаси «Суғурта брокери» деб аталади. Ушбу моддада «сугурта брокери» тушунчасига шундай таъриф берилган: «Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан сугурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс сугурта брокери ҳисобланади». Таъкидлаш керакки, сугурта брокерининг фаолияти сугурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас.

Халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, сугурта ташкилоти ва қайта сугурта қилиш ташкилоти ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи қайта сугурта брокерлари ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда қайта сугурта қилувчи брокер тушунчасига алоҳида эътибор берилган. Унга мувофиқ, қайта сугурта брокери – ўз номидан ва қайта сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига

биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади. Бундай брокерларни ташкил этиш қонунда назарда тутилган бўлсада, уларни фаолиятини тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Суғурта брокерлари – қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта бўйича воситачилик фаолиятини суғурталанувчи ёки суғурталовчининг топшириғи асосида ўз номидан олиб боровчи тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган юридик шахслар бўлиб, бунда суғурта бўйича воситачилик фаолияти юридик шахс сифатидаги брокернинг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномаларини тузиш билан боғлиқ воситачилик фаолияти билан шуғулланиш қонун билан тақиқланган. Бу чекловдан фақат Ўзбекистондан ташқарига чиқаётган автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича тузиладиган (“яшил карта” деб номланувчи) суғурта шартномалари истисно этилади. Бундай ман этувчи меъёرنинг қўлланилишининг маъноси шуки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта агентлари ва суғурта брокерлари хорижий суғурта компаниялари номидан суғурта маҳсулотларини тарқатиш билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди. Тажрибанинг кўрсатишича, шунингдек, амалдаги қонунчилик шарҳидан келиб чиқадиган бўлсак, бу тақиқлаш меъри қайта суғурталаш шартномаларига нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилик тартиботидан фарқли ўлароқ, халқаро тажрибада суғурта агенти билан суғурта брокери ўртасидаги фарқ аниқ белгилаб қўйилган. Суғурта агенти суғурталовчининг вакили бўлиб ҳисобланади, унинг номидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади. Суғурта брокери ҳамиша суғурталанувчининг вакили бўлиб ҳисобланади, хатарни суғурталаш учун қабул қилинаётганда энг фойдали шартлар муҳокамаси чоғида айнан унинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунга қарамай, суғурталанувчининг ҳам, суғурталовчининг ҳам манфаатлари бўйича ваколатли бўлиши мумкин деган нотўғри тасаввур вужудга келиши мумкин. 8-моддадаги брокер мақомини белгилашда худди ана шундай алдамчи тасаввур сингиб кириб қолган. Чиндан ҳам, брокер суғурта компаниясининг манфаатлари ваколатини ҳам олиши мумкин, фақат бу ҳолда суғурта компанияси қайта суғурталовчи билан ўзаро муносабатларга киришаётган, яъни қайта суғурталаш муносабатлари содир этилаётган бўлиши лозим. Чунки мана шу ҳуқуқий муносабатлар тузилишига кўра, суғурталовчи суғурталанувчи томонга ўхшаб қолади, шу боис қайта суғурталанувчи деб аталиши бежиз эмас. Агар брокер суғурталанувчиларга уларнинг суғурталовчилар билан муносабатлари ҳам, қайта суғурталанувчиларга уларнинг қайта суғурталовчилар билан муносабатларида ҳам хизмат кўрсатаётган бўлса, уни кўп соҳали брокер ёки суғурталаш ва қайта суғурталаш брокери деб аташади. Бироқ бундай кенг ихтисослашув брокернинг манафаатларни ҳимоя қилиш ваколатлари нуктаи назаридан манфаатларнинг тўқнашувига олиб келмайди.

Ўзбекистон Республикасида брокерларнинг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли Қарори билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом”га асосан орқали тартибга солинади.

Брокер қуйидаги ҳолларда воситачилик фаолиятини олиб боришга ҳақли эмас:

агар суғурта брокерлари рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлмаса;

суғурта бўйича воситачилик фаолияти унинг учун ягона, беистисно фаолият тури бўлиб ҳисобланмаса;

унинг суғурта бўйича воситачилик фаолияти хорижий суғурталовчи фойдасига олиб борилаётга бўлса;

у суғурта ташкилотининг капитали қатнашчиси бўлиб ҳисобланса, акциялар ёки қатнашувнинг бошқа шаклларига эгалик қилаётган бўлса.

Брокер шунингдек, хатарни суғурта ташкилоти белгиларига эга бўлмаган (масалан, суғурта ҳимояси талаб қилинадиган суғурта тури бўйича фаолият олиб бориш лицензияси мавжуд бўлмаган)суғурта компанияларига жойлаштиришга ҳақли эмас.

Брокер суғурта соҳасида воситачилик фаолиятини олиб бориши муносабати билан кўрсатиши мумкин бўлган хизматлари кўлами нуқтаи назаридан, брокер фақат воситачигина бўлиб қолмай, у суғурталанувчининг, қайта суғурталанувчининг, амалдаги Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ эса ҳатто суғурталовчининг ҳам маслаҳатчисидир. Айнан у ёки бу суғурта тури бўйича тушунтириш ишларини олиб бориши, суғурталовчилар томонидан таклиф этилаётган суғурта дастурларини самарадорлиги нуқтаи назаридан текшириши ва улардан суғурта қопламаси жиҳатидан, суғурталаш нархи жиҳатидан, қоплаш географияси жиҳатидан ва ҳ.к. энг оптималини танлаб олиши мумкин. У суғурта ҳодисаси содир бўлган жойни кўздан кечиришда, суғурталанувчининг суғурта талабларининг қондирилишида, турли хилдаги экспертизаларнинг ўтказилишида иштирок этиши мумкин, шунингдек, у талабларнинг қондиришини ҳал этиш учун талофат комиссиясининг, сюрвейернинг ва бошқа мутахассисларнинг жалб этилишини ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон миллий брокерларининг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири – улар ҳамон воситачилик фаолиятини “соф ҳолда” чуқур маслаҳат ёрдамини қўшмасдан олиб бораётганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистонда бўлгани каби, чет элда ҳам брокер воситачилик хизматини кўрсатиш чоғида жавобгарликка эга бўладими, ё йўқми деган масала мунозараларга сабаб бўлмоқда. Масалан, брокер мижознинг суғурта шартномасини янгилаш шартларини келишишни узоқ вақт чўзиб юборди, бу муддат мобайнида шундай вазият вужудга келдики, аввалги суғурта қопламасининг вақти тугаб қолди, янгиси эса ҳали тузилмаган, худди ана шу

вақт оралиғида суғурта хизмати истеъмолчисига каттагина мулкий зарар етказувчи ҳодиса содир бўлди. Ёки, яна бир мисол: суғурталанувчи суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта мукофотини суғурталовчи билан кейинги ҳисоб-китобларни бажариши учун брокернинг ҳисоб рақамига ўтказиб берди, брокер эса ҳафсаласизлик қилиб, маблағларни ўз вақтида ўтказмади. Шартга биноан суғурта шартномасининг кучга кириш муддати сифатида суғурта мукофотининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган пайт белгиланганлиги сабабли, суғурталанувчининг мулкий манфаатлари бўйича суғурта ҳимояси иш бермади. Чунки суғурта шартномаси билан қопланиши зарур бўлган моддий зарар худди ана шу давр ичида содир бўлди.

Брокер тор маънода ҳам, кенг маънода ҳам фақат маънавий жиҳатдан жавобгар бўлиши мумкин деган фикр мавжуд. Аммо бунга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Брокер ўзи билан суғурталанувчи ўртасида тузилган шартнома асосида иш юритади, бундай шартномада эса, брокернинг шартномавий талабларни бажармагани учун жавобгарлигини кўзда тутувчи қоидалар киритилиши мумкин. Қолаверса, воситачилик хизматини кўрсатувчи брокер суғурталанувчи ва суғурталовчи ўртасидаги воситачи бўлиб ҳаракат қилар экан, бозорнинг малакали қатнашчиси сифатида ҳам жавобгарликка эга. Шундай қилиб, брокер ўзининг суғурта воситачилиги фаолияти давомида йўл қўйган хато ва камчиликлари туфайли мижозга зарар етказиши мумкин бўлган касбий жавобгарлиги юзасидан ҳам суғурта шартномаси тузиши мумкин. Лекин Ўзбекистонда мана шундай жавобгарлик суғуртаси бўйича тавсия этилган лимит ниҳоятда паст даражада бўлиб, агар брокер томонидан бирон хатоликка йўл қўйилса, эҳтимол тутилган зарарни қоплашга етиши гумон.

Айни чоғда фақат моддий эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам ғарб давлатларидаги суғурта ва қайта суғурта брокерларига юклатилган жавобгарлик даражаси шунчалик юқорики, бу нарса уларнинг ишдаги обрў-эътиборларига, демакки, уларнинг суғурта бозорида муваффақиятли ишлашларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу сабабли уларнинг кўпчилиги мижоз баъзи қийинчиликларга кўра вақтинчалик навбатдаги суғурта бадалини тўлай олмайдиган ҳолатлар учун махсус захира ташкил этиб қўядилар. Шубҳасиз, бу каби ўзаро қўллаб-қувватлаш суғурталанувчи томонидан суъиистемол қилинмайди, чунки унинг соф виждонли суғурталанувчи сифатидаги обрў-эътиборига путур етади.

Қисқача айтганда, брокернинг бозорнинг бошқа субъектлари олдидаги жавобгарлиги борасидаги ҳуқуқий мақоми қуйидагилардан иборат. Суғурта брокери топшириқ берган суғурталанувчининг олдида хатарларни ишончли суғурта компаниясида жойлаштирилиши, суғурта ҳолати содир бўлган тақдирда қоплама билан таъминланиши, шунингдек, мижозга етказиб берилаётган мижознинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг тўла ва ҳаққонийлиги учун жавобгарликка эга. Брокер шунингдек, суғурта компанияси олдида ҳам ўзи етказиб бериши лозим бўлган суғурталаш объектлари ва хатар даражаси тўғрисидаги ва кейинги барча муҳим

Ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳам жавобгардир. Бундан ташқари брокер суғурта назорати идораларига қонунчиликка биноан ўзи етказиб бериши лозим бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳам жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Ҳукукий лаёқатга эга бўлиш учун брокер қуйидагиларни амалга ошириши ва қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1) суғурта брокери суғурта фаолиятини юритиш учун ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим. Рўйхатдан ўтганлигининг тасдиғи бўлиб юридик шахс ёки юридик шахс мақомини олмаган тадбиркор сифатида олинган лицензия хизмат қилади.

2) ташкилот уставида суғурта бўйича брокерлик фаолияти кўзда тутилган бўлиши зарур, бу турдаги фаолиятни тадбиркорликнинг бошқа турари билан қўшиб олиб боришга рухсат этилмайди.

3) суғурта брокери шунингдек, Суғурта назорати давлат инспекциясига ўз фаолиятини бошлашдан 10 кун олдин суғурта бўйича воситачилик фаолиятини олиб бориш истаги тўғрисида хабарнома юбориши шарт. Бу хабарномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: брокер юридик шахс сифатида рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳноманинг (қарорнинг) нусхаси; уставнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси; устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумот; раҳбарлар тўғрисидаги маълумотлар ва ҳ.к.

4) агар брокер сифатида юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркор юз кўрсатаётган бўлса, бундай тадбиркор қонунчиликнинг суғурта соҳасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш ҳукуқи бўйича қўйиладиган талабларига жавоб бериши зарур. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта брокерлари рўйхатини юритиш Суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

5) юқоридаги 3) ва 4)-бандлар амалга оширилиши натижасида Суғурта назорати давлат инспекцияси бир ойлик муддат ичида суғурта брокерига Давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ёки унга рўйхатга олишни рад этилгани тўғрисида ёзма равишда жавоб юборади.

Брокер қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- жисмоний шахс бўлган брокерларнинг ҳамда брокерлик ташкилотлари раҳбарларининг касб малакаси жиҳатидан иқтисодий ёки ҳуқуқшунослик бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотига, молия ёки суғурта соҳасида камида 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;

- суғурта брокери суғурта компанияси муассиси ёки акциядори сифатида юз кўрсатиши мукин эмас;

- брокер суғурта ташкилоти ёки унинг ходими томонидан таъсис этилиши мумкин эмас;

- суғурта ташкилотининг брокери хусусий тадбиркор сифатида суғурта бўйича брокерлик фаолиятини юрита олмайди;

- брокер бозорнинг ихтисосли қатнашчиси сифатида ўз зиммасига олган жавобгарлик юзасидан суғурта кафолатига эга бўлиши шарт;

- суғурта соҳасидаги брокерлик фаолияти беистисно фаолият турларидан ҳисобланади ва у бошқа турдаги тадбиркорлик фаолияти билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас.

Шунга қарамай, таъсис ҳужжатларида брокер фаолиятининг ранг-баранглиги кўзда тутилиши мумкин. Масалан, суғурталаш бўйича миждозларни қидириб топиш ва жалб этиш; суғурта шартномасини тузиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш; суғурта тўловини олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш; миждознинг топшириғига биноан суғурта ёки қайта шартномаси бўйича суғурта хатарини жойлаштириш; эксперт ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш; суғурта хатарини баҳолаш; кўрилган зарарни баҳолаш ва суғурта тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича талофат комиссарлари хизматини ташкил этиш кабилар.

Юридик шахс бўлган брокерлар шунингдек, суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини инкассация қилиш ва суғурта тўловларини ташкил этиш (суғурталовчининг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан) амалга оширишлари мумкин. Суғурта брокери суғурталанувчининг топшириғига кўра хатарни битта суғурта шартномаси асосида битта суғурта ташкилотида ҳам, бир неча суғурта ташкилотида ҳам жойлаштириши мумкин.

Суғурта брокери мустақил воситачи ўлароқ суғурталовчининг топшириғига кўра суғурта шартномасини ўз номидан имзолаш ҳуқуқига эга эмас. У амалда муайян суғурталовчининг (муайян суғурталовчиларнинг) суғурта хизматини сотиш билан шуғулланади. Ёхуд муайян суғурталанувчига (муайян суғурталанувчиларга) мақбул келадиган суғурта хизматини танлаб беради. Масъулияти чекланган жамият тарзида тузилган брокерни корпоратив солиққа тортилиши юридик шахслар олган фойдани солиққа тортишдан ҳеч қанча фарқ қилмайди.

Суғурта шартномалари, уларнинг муҳим шартлари, суғурта воситачилари, уларнинг суғурталовчи ва миждоз уртасидаги муносабатларни шакллантиришдаги урни ва фаолият тахлили битирув малакавий ишимизнинг ушбу бобида куриб чиқилган бўлсак, кейинги бобда суғурталовчи ва миждоз уртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш шарт-шароитлари малакавий ишнинг кейинги бобларида куриб чиқилади.

III боб. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон суғурта бозорида суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

3.1. Суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда суғурта воситачилигини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси

Суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги мижозларни шакллантиришда суғурта воситачиларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта воситачилари фаолияти жонланганлигига қарамай, бир қанча камчиликлар мавжуд ва шуни инобатга олиб суғурта воситачилигини амалга оширишнинг халқаро тажрибасини битирув малакавий ишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Брокерни ўзи оладиган комиссия мукофотлари ҳамда ҳар бир тўлдирилган полис бўйича харажатлар тўғрисида маълумотни тақдим этиш мажбурияти ва мижозга тегишли суғурта компанияси билан ўзининг муносабатлари характерини очиб бериш; унинг фаолиятдан пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарлар қопланишини таъминлаш мажбурияти; брокер томонидан лицензия олишда рад этиш эҳтимоли; рўйхатдан ўтказиш бўйича палата томонидан мижозлар кўриши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш бўйича махсус жамғарма ташкил қилиниши, унинг функциялари ва бошқариш тартиби ҳамда суғурта брокерлари ишини ташкил қилишнинг бошқа муҳим жиҳатларига эътибор қаратилган.

Ўрнатилган қоидалар брокерларни умумий касбий андозаларини таъминлайди. Рўйхатдан ўтмасдан суғурта воситачиси сифатида амал қилиб, қонунчилик талабларига риоя этмаганларга нисбатан жарималар қўлланилади.

Буюк Британияда брокерлар воситачилигида жами суғурта шартномаларининг тахминан 70 фоизи тузилади. Бугунги кунда Буюк Британия брокерлик суғурта бозорида комиссия мукофотлари келиб тушиши ўсганига қарамасдан, фойдани умумий қисқариши рўй бермоқда. Бир қатор фирмаларда сарф-харажатлар устидан назорат қийинлашгани ва иш ҳақи пасайиши сабабли уларнинг фойдалилиги умумий пасайиши кузатилади. Брокерлик суғурта секторида 2008 йилда 82 мингдан ортиқ киши ишлаган, 2007 йилда эса – 81377 киши. Бу эса брокерлик сектори ичида миллийлаштириш рўй бермаётгани ва иш ўринлари йўқолиши содир бўлмаганидан далолат беради. Бир вақтнинг ўзида катта брокерлик суғурта гуруҳлари ичида баъзи бўлимлар ёпилиши ҳамда брокерлик компанияларини қўшилиши ҳолатлари қайд этилади.

Биз қуйида Франция бозоридаги суғурта брокерларининг фаолияти билан танишиб чиқамиз.

Франция суғурта бозорида брокерларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган суғурта брокерларининг иккита бирлашмаси мавжуд. Биринчиси – СНКАР – суғурта ва қайта суғуртада брокерларнинг Миллий синдикати –

Франция суғурта бозорида энг кўхналаридан бири ҳисобланади. Иккинчиси – СФАК – 1978 йилда ташкил қилинган Франция маслаҳатчиси – суғуртачилар синдикатидир. Брокерларни амал қилиши брокерларни ишлаш амалиётидаги келиб чиқадиган одатлар билан тартиблаштирилган.

1935 йилда СНКАР брокерлар амалиётида қўлланадиган 12 та қоида тўзди. Уларни 4 та гуруҳга ажратиш мумкин;

1. Томонларнинг тижорат эркинлиги. Брокер суғурта жамиятини танлайди. Суғурта жамияти брокер тақдим этган шартномани қабул қилиш ёки рад этишга ҳақли.

2. Суғурта жамиятининг бетарафликка амал қилиш мажбурияти. Суғурта жамияти бир хилдаги шартномаларни таклиф этувчи бир нечта брокерларга розилик бериши ёки рад этиши лозим. Жойлаштириш бўйича шартномани биринчи бўлиб таклиф этган брокерга устиворлик ҳуқуқи берилади.

3. Суғурта жамияти брокерларга ёрдам кўрсатиши керак.

4. Брокернинг суғурта мукофотини (комиссия) олиш ҳуқуқи. Брокер шартноманинг амал қилиш муддатида комиссия олишга ҳақли, суғурта портфелини сотиши мумкин. Шартнома амал қилиш даврида унинг ўрнига янги брокерни қўйиш мумкин эмас. Агарда мижоз янги брокер томонидан шартномани жойлаштиришга оид махсус буйруқни имзолаган бўлса, қоидадан истисно қилинади.

1955 йилда СНКАР суғурта брокерининг маънавий кодексини қабул қилди. Унга кўра: брокер мижозларга хизмат кўрсатиши шарт; брокер суғурта жамиятларига нисбатан ўзининг содиқлигини исботлаши лозим; брокерлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мавжуд бўлиб, рақобат бўлмаслиги керак. Францияда брокерлар воситачилигида суғурта шартномаларининг 20 фоизга яқини тузилади.

Канада бозорида ҳам суғурта брокерлари ўзига хос мавқега эга. Канадада жами 35 минг мустақил, лицензияга эга брокерлар ишлайди (лицензияни олиш учун икки ҳафталик махсус курсларни тугатиш ва бир йиллик амалиётга эга бўлиш зарур) ва улар 6,5 мингта брокерлик идораларига бирлашган.

Канадада брокерларни миллий ассоциацияси мавжуд бўлиб, у 75 йил аввал ташкил қилинган. Барча брокерларни маҳаллий уюшмалари ушбу Ассоциация қошида иш юритади. Канаданинг барча ҳудудлари мазкур Ассоциациянинг Кенгашига 1 тадан вакилини юборади. Ассоциацияни 1 йилга сайладиган Президент бошқаради. Ходимларнинг умумий сони 10 кишига тенг. Ассоциацияни сақлаб туриш брокерлик идоралари аъзолик бадаллари ҳисобига амалга оширилади, олинadиган мукофотнинг ҳажмига кўра ва йилига 1 мингдан 3 минг долларгачани ташкил қилади.

Ассоциация шуғулланадиган асосий вазифалар – бу кадрларни ўқитиш ва ҳар хил даражаларда қўллаб-қувватлаш. Натижада 1980 йилда брокерлар ҳукуматдан ўзини ўзи бошқаришни ҳамда брокерлар фаолиятини тартибга солувчи қонун қабул қилинишига эришдилар.

Сотилган суғурта полисларини умумий сонидан 75 фоизи брокерлар орқали сотилади. Сўнгги 5 йил давомида брокерга тўланадиган комиссия

миқдори 20 фоиз даражасида турибди. Бироқ агарда 10 йил аввал брокер тахминан 10 та компанияни тақдим этган бўлса, ҳозир эса атиги 4 та компанияни тақдим этади. Сабаби суғурта компаниялари фақатгина фойда келтирадиган брокерлар билан ишлайдилар. Шунинг учун брокерлар суғурта маҳсулотларини сотиш бўйича тобора янги технологияларни қўллашларига тўғри келмоқда. Канадани ўзининг келажагидан кўнгли тўқ бўлган ягона брокерлари – бу мустақил брокерлар бирлашмаси (консорциум) – *avantis* – улар компанияларни якка брокерлар билан ишлаш имкониятидан маҳрум этиш, ўзларига бундан кўра яхши техник жихозлашни таъминлаш учун бирлашганлар.

Брокерларни мазкур гуруҳи йилига 500 млн. долларга яқин суғурта мукофотини олади. Канада суғурта бозорини ривожлантириш прогнозлари кўрсатишича, яқин келажакда суғурта полисларини сотиш асосан брокерлар воситачилигида ва тўғридан-тўғри сотиш орқали, биринчи йўналиш камайиши ҳамда иккинчиси ўсиши билан амалга оширилади.

АҚШ бозорида суғурта брокерларининг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги тасаввурга эга бўламиз.

АҚШда суғурта брокерлари барча суғурта шартномаларининг камида 80 фоизини тузишда воситачилар бўлиб хизмат қилади. Улар одатда юқори riskли шартномаларни, ностандарт riskларни излаш ва жойлаштиришга; суғурта компаниялари ҳамда нисбатан майда мижозлар ўртасида воситачиликка ихтисослашган. Бунда ҳар бир штат суғурта брокерларига ўзининг лицензияларини беради ҳамда брокердан кафолат закалатини таъминлашни талаб қилиши мумкин.

Биз ушбу параграфда жаҳоннинг етакчи суғурта брокерлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. Дунёдаги йирик суғурта брокерлари хусусида гап кетар экан, “Седжвик Груп” бирлашмасини тилга олмасдан илож йўқ.

“Седжвик Груп” компаниялар бирлашмаси (*Sedgwick Group P.L.C.*) дунёдаги суғурта ва қайта суғурта брокерлик компаниялари орасида етакчилардан бири ҳисобланади ҳамда riskларни таҳлили ва баҳоси соҳасида консалтинг хизматлари, суғурта брокерлик ҳамда молия хизматларини тақдим этади. Унда 15 мингдан ортиқ брокер ишлайди. “Седжвик” кўп йиллардан бери Шарқий Европа мамлакатларида ишлаб, ўз фаолиятини суғурта бозорини ривожлантиришга қаратади. У Москвада ўз офисига эга ва Россия ҳамда қўшни давлатларда мижозларга хизмат кўрсатади. Унинг “Совлинк Америкэн Корпорейшн” шўъба фирмаси Нью-Йоркда ва Москвада офисларига эга. “Седжвик”нинг шўъба фирмаси ҳар хил соҳаларда ишлайдиган мутахассислар ва фирмаларга, айниқса энергетика, транспорт, тоғ казиб олиш ва ўрмон саноати соҳасида, савдо ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш масалалари бўйича ихтисослашган маслаҳатларни таклиф этади.

1976 йилдаги ЕИХнинг “воситачилар туғрисида” ги Директивасида (*The EEC Intermediaries Directive, 1976*) суғурта брокерининг фаолияти қуйидагича таърифланган: “Ўз танловига кўра тўлиқ тадбиркорлик эркинлиги тамойили

асосида ҳаракат қиладиган инсонларнинг профессионал фаоллиги, суғурта ёки қайта суғурта рискларини топиш мақсадида бирлашган, суғурта ёки қайта суғурта шартномасини тузиш буйича дастлабки ишни бажарадиган ва керак бўлса бундай шартномаларни кузатувида ёрдам бериш, айниқса эътироз келиб тушган ҳолда (суғурта қилдирувчининг суғурта тулови туғрисидаги аризасини).

Суғурта брокери- бу ўрнатилган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатга олинган юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, ўз номидан суғурта буйича воситачилик ишини бажарувчи, асосан суғурта қилдирувчи (ёки суғуртачи)нинг (қайта суғурта қилдирувчи ёки қайта суғуртачи) нинг топшириғига кура амалга оширади. У исталган суғурта компаниясига суғурта рискларини мустақил жойлаштиради, бунинг эвазига маълум мукофот олади (брокерлик комиссияси- brokerage (брокеридж)). Суғурта қайта суғурта ёки қўшма суғуртада брокерилик фаолияти- бу суғурта хизматларини сотиб олиш ёки сотиш буйича воситачилик хизмати бўлиб, суғуртадан манфаатдор томонлар ўртасида келишувга қўмаклашишни назарда тутадиган, суғурта буйича музокараларни суғурталовчи ёки суғуртачининг (қайта суғурталаш шартномаларида) хоҳиш- иродасига мувофиқ олиб боришни кўзда тутадиган фаолият ҳисобланади. Унинг пировард мақсади бўлиб, томонлар учун суғуртани ўзаро қулай шартлари ва шакллари топиш ҳисобланади.

Россия Федерациясининг 1992 йилдаги “Суғурта тўғрисида”ги қонунида суғурта брокерлари- бу тадбиркорлар сифатида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган, юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, суғурта буйича воситачилик фаолиятни суғурталовчи ёки суғуртачи топшириғи асосида ўз номидан амалга оширадилар. Суғурта бозорида брокер алоҳида роль ўйнайди. Унга кўра, брокер ўзининг миждозига танлаш эркинлигини амалга оширишга ёрдам беради, сотувчилар ва харидорлар ўртасида воситачи сифатида ҳаракат қилади.

Унинг фаолияти шундан иборатки, миждозга хизмат кўрсатиб ҳамда миждознинг ҳам, компаниянинг ҳам ишончли шахси сифатида чиқиб, у суғурталовчига айнан мазкур риск учун талаб этиладиган суғурта шартномасини тузишни таклиф этади. Бироқ суғуртачи (қайта суғуртачи)нинг эмас, суғурталовчи (қайта суғурталовчи)нинг агенти (вакили) ҳисобланиб бу суғурталовчи учун суғуртанинг энг яхши пакетини тузади ва битимга бир ёки бир нечта суғурта компанияларини жалб қилади.

Салоҳиятли рисклар тахлили асосида суғурта брокерлари оптимал суғурта дастурини ишлаб чиқадиладар ва суғурталовчига тавсия қиладиладар. Улар бозорга янги замонавий суғурта маҳсулотларини жорий этадиладар, миждоз манфаатида ҳаракат қиладиладар, маҳаллий суғурта компаниялари ўртасида мусобақани тарғибот қиладиладар. Ушбу компаниялар билан ўзаро алоқалар тажрибаси уларни хужалик фаолиятини ҳолисона тахлили билан бирга брокерга ҳар бир компаниянинг ва умуман бозорни баҳолашни амалга оширишга ёрдам беради. Брокер суғурталовчи ва суғуртачи учун зарарларни қоплашда ҳакам ҳисобланади.

Суғурта брокери фаолиятининг ўзига ҳослиги унинг фикри мустақил

эканлигидадир. Қоидага кўра, брокер андеррайтерларини суғурта гурухи томонидан таъсис этилиши мумкин эмас. Фикрни мустақиллиги унинг мижозлари манфаатлари максимал ҳисобга олинишини таъминлайди.

Суғурта брокери фаолиятини таҳлил қилиб, унинг роли тўртта асосий элементдан иборат, деган хулосага келиш мумкин:

1. Брокернинг бурчи- ўз мижози номидан иш юритиш.
2. Брокер мижозни маслаҳатчиси сифатида ҳаракат қилиб, унинг қулай суғурта хизматлар кўлами тўғрисида хабардор қилади.
3. Брокер суғурта қопланиш миқдори ва суғурта қиймати ўртасида ўзининг мижози фойдасига энг яхши келишувга эришиш учун, мижоз номидан музокаралар олиб бориши шарт. У хизматларни бутун циклини таъминлайди- рискни жойлаштиришдан тортиб то зарарлар пайдо бўлса, уларни қоплашга қадар.
4. Брокер рискни тақсимлайди ва у таъминлайдиган суғурта ҳимояси энг юқори андозаларга мослигини кафолатлайди. Бунда у унга суғурта учун таклиф этилган рискни қабул қиладиган компаниянинг молиявий кўрсаткичларини билиши лозим.

Суғурта брокерининг вазифасига шунингдек мижозларни жалб қилишнинг мустаҳкам схемасини тузиш.

Ўз мижозини доимий вакили сифатида брокер унинг номидан иш юритиши шарт. У мижозининг бизнесини худди мижоздек яхши билиши керак, чунки ўшандагина уни бозорда такдим этиши мумкин. Маслаҳатчи сифатида брокер мижозга эҳтимолли рискларни аниқлашда ёрдам бериши лозим. Бир вақтнинг ўзида суғурта брокери мижоздан бутун маълумотни олиш учун барча чораларни кўриши шарт. У суғурта соҳасида барча мавжуд хизматлардан хабардор бўлиши ва уларни афзалликлари, камчиликлари буйича маслаҳат бера олиши керак. Брокер суғурта қонунчилиги ва амалиёт соҳасида эксперт булиши лозим. Унинг билимлари суғуртанинг энг яхши шартларини таъминлашга хизмат қилиши шарт.

Брокерни ишида маркетинг муҳим рол ўйнайди. Ўз фаолиятига кўра у ўз фаолиятини битта бозордан бошқасига кўчиришга ва мижозининг буюртмасини бозорлар ўртасида тақсимлашга тайёр бўлиши керак. Унда вариантларни энг кўп сонини баҳолаш имконияти бўлган шартдагина бунини самарали бажариш мумкин.

Брокер, суғуртачидан фаркли равишда, ҳеч қайси шароитда шартноманинг томони ҳисобланмайди ва демак, уни амалга ошириш учун масъул эмас. Бироқ қўпол хато ёки товламачилик қонун буйича жавобгарлик ёки маънавий жавобгарликни истесно этмайди. Агар брокер ўз мажбуриятларини бажариш вақтида хатога йўл қўйиб, унинг натижасида суғурталовчи (кайта суғурталовчи) га зарар етказилган бўлса, у брокердан зарарни қоплашни талаб этиши мумкин. Агарда суғурта (кайта суғурта) брокер томонидан жойлаштирилган бўлса, у суғуртачи (кайта суғуртачи) томонидан пул айланмаси учун масъул бўлади. Брокер томонидан суғурталовчидан олинган суғурта мукофоти келишилган муддатда суғуртачига ўтказилади.

Халкаро амалиётда “брокерни полис олиш ҳуқуқи” мавжуд бўлиб, унга кўра, ўзининг манфаатларини таъминлаш учун брокер ўзида суғурта полисини то суғурталовчидан мукофот олмагунича ушлаб туришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқ шуни англатадики, зарарлар пайдо бўлган тақдирда, суғурталовчи суғуртачига полис мавжуд бўлмаганида эътироз билдира олмайди. Ҳар хил мамлакатларда суғурта брокерлари фаолиятини назорат қилишнинг ўз хусусиятлари мавжуд. Хориж амалиётида суғурта брокерлари фаолиятининг асосий мақоми ва мазмуни шунақа.

Суғурта брокерини суғуртачилар билан ўзаро муносабатлардаги ҳаракатлари “Зарурий эҳтиёткорлик” (Duty Care) ва ҳалоллик тамойилига асосланади.

Брокер хизматларининг афзаллиги- уни касбий тайёргарлигига катта маблағ сарфлаш керак эмаслигидадир. Суғурта маҳсулотини тарқатишнинг ушбу канали проффесионализм ва самарадорликни юқори даражаси билан ажралиб туради. Албатта, агарда гап одамларни катта сонини суғурталаш ҳақида кетганда ва суғуртачи мамлакатни катта ҳудуддини камраб олиши керак бўлса брокернинг хизматлари ушбу масалани ҳал қилиши амри маҳол.

Брокерлар институтини ривожлантириш ва аҳволи масалаларини ҳар хил мамлакатлар ҳамда энг йирик брокерлик компаниялари мисолида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта маҳсулотларини суғурта брокерлари орқали энг кенг тарқалиши Буюк Британия, АҚШ, Галландия, Белгияда кузатилади. Бошқа мамлакатларда суғурта брокерлари тизими бўйсунган ролни ўйнайди, ёки умуман мавжуд эмас.

Буюк Британияда суғурта брокерлари институти нисбатан тараққий этган. Буюк Британияда 1977 йилга қадар исталган шахс офис очиши, ўзини суғурта брокери деб, аташи ва мижозларни суғурта хизматлари билан таъминлаш буйича воситачилик функцияларини бажариши мумкин эди. Ушбу жараён ҳеч қандай тартибга солинмаган эди, шуннингдек брокерларни фаолияти устидан расмий назорат органи ҳам мавжуд эмас. 1977 йилда суғурта брокерларини мажбурий рўйхатдан ўтказилиши ва уларни касб даражасига оид талаблар тўғрисида қонун қабул қилинган. Қонунга мувофиқ суғурта брокерларини рўйхатдан ўтказиш буйича Кенгаш таъсис этилди (Insurance Brokers Registration Council) кенгаш томонидан йиллик аудиторлик текшируви қоидалари ҳамда брокерлар ўз фаолиятида амал қилмоғи даркор бўлган Ахлоқ Кодекси ишлаб чиқилган. Кенгашга шунингдек брокер устидан эътироз билан мурожаат этиши мумкин. Брокерлар томонидан Ахлоқ Кодекси ва қонун билан белгиланган талаблар бузилиши ҳолларини ўрганиш буйича қўмита ҳамда интизом қўмитаси таъсис этилган. Кенгаш қошида суғурта брокерларининг хатолари ёки уларни ноҳаққоний ҳаракатлари натижасида мижозларга келтирилган зарарларни қоплаш учун махсус жамғарма ташкил этилган.

1978 йилдан буён Буюк Британияда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган шахслар брокер булиш ҳуқуқига эга эмас. Рўйхатдан ўтиш учун жисмоний шахс тегишли касбий талабларга жавоб бериши ва рўйхатдан

ўтказиш бўйича Палата томонидан белгиланадиган брокерлар фаолияти учун қоидалар шартларига риоя этиши шарт.

Буюк Британияда Британия суғурта ва инвестиция брокерлари ассоциацияси ташкил қилинган. (The British Insurance and investment Brokers Association).

Бугунги кунда унинг аъзолари бўлиб 4000 га яқин компания ҳисобланади. Ушбу ассоциациясига аъзолигини билиш учун компаниядан йиллик аъзолик сертификати мавжудлигини сўраш лозим. Ассоциация суғурта брокерлари оладиган мукофот миқдорини назорат қилмайди, улар одатда комиссия асосида ишлайдилар ва унинг миқдори мижоз ҳамда брокер ўртасидаги музокаралар жараёнида келишилади. Ассоциация аъзолари учун Ахлоқ Кодекси мавжуд ва у суғурта брокерларини рўйхатдан ўтказиш бўйича Кенгаш томонидан қабул қилинган Ахлоқ Кодексига ўхшашдир. Унда ассоциация аъзоларининг ҳаракатлари непрофессионал деб кўриладиган қуйидаги ҳоллар қайд этилган:

1. Шартнома бўйича мажбуриятлар бузилиши;
2. Брокер мижозни манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча мумкин бўлган ҳаракатларини амалга оширмаган бўлса;

Бундан ташқари, барча брокерлар учун суғурта брокерлари институтига аъзо бўлиш мажбуриятдир (Institute of Insurance Brokers) ва унинг ҳам институт аъзолари учун Ахлоқ Кодекси мавжуд. Институтнинг интизом қўмитаси мижозлар томонидан унинг аъзолари устидан келиб тушадиган эътирозлар билан шуғулланади.

Рўйхатдан ўтказиш ҳақида палата брокерлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган якка шахсларга маълум талаблар қўяди, ушбу шахслар керакли малакага ва касбий тажрибага эга бўлишлари, яъни қуйидагиларга эга бўлиши керак:

А) палата томонидан тан олинган ўқув муассасаси сертификатлаган малака даражасига;

Б) икки ёки ундан ортиқ суғурта компанияси учун суғурта брокери ёки суғурта агенти сифатида 5 йиллик иш тажрибасига;

В) суғурта брокери ёки агенти деб тан олинган шахс (юримдик ёки якка) да 5 йиллик профессионал иш тажрибасига;

Г) “б” банди каби уч йиллик иш тажрибасини, ҳамда “а” банди каби малакага.

Брокерлик фаолияти учун лицензия олиш вақтида барча юримдик шахслар учун қуйидаги талаблар қўлланилади: Аксарият компания директорлари рўйхатдан ўтган брокерлар бўлмоғи лозим; агарда фирмада фақатгина битта директор бўлса, у брокер сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши керак; агарда фирмада иккита директор бўлса, улардан биттаси рўйхатдан ўтган брокер бўлиши шарт ҳамда барча операцияларни фирма унинг раҳбарлиги остида ва унинг бевосита иштироки ҳамда масъулиятида амалга оширади.

Буюк Британияда брокерлик бошланғич (устав) капитали борасида тўғридан-тўғри молиявий чекловлар мавжуд эмас. Агарда брокер лицензияни

олиб, фаолиятини бошлаган бўлса, унинг операциялари бир қатор параметрларига жавоб бериши шарт. Суғурта брокери ўзи бажарадиган барча суғурта операциялари бўйича камида минг фунт микдоридаги капиталга эга бўлиши керак.

Рисклар бўйича маслаҳатчи ва суғурта брокери сифатида “Седжвик” ўзининг мижозларига рискга мойиллик даражасини қандай қисқартириш кераклиги бўйича маслаҳат беради ва корхона ҳамда суғурта компанияси ўртасида воситачи сифатида амал қилади. Суғурта рискларини халқаро бозорини, уларда таклиф этиладиган полислар ва хизматларни билиш компанияга у ёки бу бизнес учун суғурта тури ҳамда даражасини зарурлигини белгилаш ва корхонани молиявий имкониятлари доирасида максимал фойдали ставкалар бўйича оптимал суғуртани ташкил қилишга ёрдам беради.

Компания корхоналарни рискнинг уч турига учрашини таснифлайди:

- жисмоний зарар (масалан, ёнғин натижасида завод асбоб-ускунаси шикастланиши);
- нормал ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатган ходиса натижасида даромад ёки фойдага келтирилган молиявий зарар (масалан, асбоб-ускунани бузилиши);
- учинчи томонга еиказилган зарар ёки унинг мулки шикастланиши натижасида корхонани молиявий жавобгарлиги.

Фирма рискни консалтингини амалга оширади, яъни корхонани ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган рискларни таҳлили ва баҳосини бажаради. Ушбу жараёнда олинган маълумот салоҳиятли таъсирни минималлаштириш усуллари ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Одатда бу ҳолда компания вакили корхона учраши мумкин бўлган рискларни аниқлаш учун уни фаолиятини ўрганади (саноат ёки савдони аниқ соҳасининг ҳисоби билан). Тадқиқот жараёнида қуйидаги омиллар баҳоланади: ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (компьютерлаштириш)га боғлиқлик даражаси, шунингдек аввалги йўқотиш ва зарарлар. Корхонага тегишли асбоб-ускуналар кўрикдан ўтказилади, хавфсизлик техникаси аҳволи ва уни қўллаш усуллари таҳлил қилинади (масалан, ёнғинга қарши ускуналарни, шунингдек технологик ускуналарни ҳолати – халқаро андозалар билан солиштирган ҳолда). Кўчмас мулк шикастланиши ёки механизмлар бузилиши ҳолатларида эҳтимолли зарар баҳоланади. Иқтисодий яхшиланиш мумкин бўлган участкалар рўйхати тузилади. Унга машина ускуналарини, ҳисоблаш техникаси ҳисобот техникаларини эксплуатацияси бўйича, хавфсизлик техникаси ва ходимларни тайёрлаш бўйича тавсиялар кириши мумкин. Буларнинг бари рискларни катта қисмини камайтиришга, баъзиларини эса бутунлай йўқ қилишга ёрдам беради.

Йўқотилиши корхона учун жуда қимматли бўлган, қолган рисклар бўйича, “Седжвик” суғурта орқали керакли ҳимояни ташкил қилиш бўйича максимал ҳаракат қилади. Бунда ишончли суғуртачини танлашга алоҳида эътибор қаратилади.

“Седжвик” бирлашмаси фаолиятининг муҳим жиҳати бўлиб

эътирозларни амалий ва самарали кўриб чиқиш ҳисобланади.

Зарар тўғрисида маълумот олганда компания мутахассислари зарарни тафсилотларини аниқлайдилар, суғуртачи билан боғланадилар, эътироз бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида келишадилар ва унинг тезкор тўловини ташкил қиладилар.

Компания дунёнинг турли мамлакатларида ва саноат ҳамда молияни кўп соҳаларида ишлашда катта тажрибага эгадир, жумладан, авиация, банк иши, тоғ-қазиб олиш, ўрмон, нефт, газ, нефткимё саноатида, денгиз орқали юк ташишда, чакана савдода, қишлоқ хўжалиги, қурилишда, электр энергетикасида. “Седжвик” рисклар соҳасида Европада етакчи суғурта брокери ва маслаҳатчиси сифатида, суғурта ишини ривожлантириш янги бозор иқтисодиётларини қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнайди.

Халқаро миқёсда кўзга кўринган суғурта брокерлик компанияларидан “Джонсон ва Хиггинс” компаниясидир.

“Джонсон ва Хиггинс” компанияси (Johnson & Higgins) энг йирик суғурта брокерлари сафига киради. 2005 йилда компаниянинг умумий даромади 1,08 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Бу 2004 йилнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан 7,3 % га юқоридир.

Бундай ўсишга эришишнинг сабаби шундаки, компаниянинг барча бўлинмалари режа топшириқларини ортиғи билан бажардилар. Компания Президенти Давид Олсеннинг таъкидлашича, “Биз янги ва қўшимча бизнесга йўл очиб бердик ҳамда зарар келтирувчи бизнес билан шуғулланмай қўйдик, бу эса иш самарадорлигини оширишга хизмат қилди”.

“Джонсон ва Хиггинс” компаниясининг “Фостер Хиггинс” консалтинг фирмаси – дунёнинг энг йирик консалтинг фирмаларидан биридир. 2005 йилда у 226 млн. АҚШ доллари миқдорида даромад топди. 2004 йилда унинг даромади – 213 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди, яъни қўшимча ўсиш 6,1 % га тенг. Компания энг катта ўсишга АҚШдан ташқарида амалга оширилган операциялар орқали эришди. Энг яхши кўрсаткичлар Осиё бозорларида кузатилди. Унинг Жануби – Шарқий Осиёда фаолияти кенгаймоқда. Яқинда Шанхайда ваколатхона очилиб, унинг Пекиндаги ваколатхона ишига ёрдам бериши кўзда тутилган. Лотин Америкаси, Аргентина, Бразилия, Чилида операциялар муваффақиятли ривожланди. Европада вазият мураккаброқ эди, бироқ Германия ва Испанияда чекланган иқтисодий ўсиш ушбу мамлакатларда операциялар ўсишига яна олиб келди.

Баъзи бир йирик халқаро брокерлардан фарқли ўлароқ, “Джонсон ва Хиггинс” UNISON брокерлик тармоғида қатнашишга доимо катта эътибор қаратган. UNISON – бу дунёнинг 72 мамлакатида филиаллар, қўшма корхоналар ва тегишли брокерларнинг уйғунлигидир. “Джонсон ва Хиггинс” дунёнинг 20 мамлакатида 100 % операцияларга эгалик қилади, яна 12 мамлакатдаги операцияларда қатнашади ҳамда ўзи акциядор ҳисобланмаган 40 та мамлакат билан корреспондентлик алоқаларига эга.

Компания Буюк Британияда ўзининг фаолиятини доимо мустаҳкамлайди. Буюк Британиядаги операциялардан даромади сўнгги йилда 18 % га ўсди, АҚШ да “йирик рискларга янгича қарашга эга бўлиш” учун

стратегик рисклар борасида маслаҳат бериш бўйича янги департамент таъсис этилган.

Навбатдаги дунёга машҳур суғурта брокерлик компанияларидан яна бири “Майнет” гуруҳидир.

2003 -2004 йиллар давомида дунёнинг 20 та энг йирик брокерлари орасида Халқаро брокерлик компанияси ва рискларни бошқариш бўйича компания – “Майнет” гуруҳи (Minet Group) 10- ўринни эгаллаган. 2005 йил иш якунлари бўйича (брокерлик комиссияси йиллик суммаси 370,9 млн. АҚШ доллари ташкил қилганида) у ушбу рейтингда 9-ўринга чиқди.

Шундай қилиб, биз суғурта брокерлари фаолиятининг халқаро тажрибасини билан танишдик. Асосий ва энг муҳим хулоса шуки, ривожланган чет давлатларда, айниқса, Буюк Британия, АҚШ ва Канада каби давлатлар бозорларида суғурта брокерлик компаниялари катта нуфузга эга ва суғурта операцияларининг салмоқли қисми улар орқали амалга оширилади.

3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон суғурта бозорида суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси - бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат¹⁴. Жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар (АҚШ), кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашувига, кейин уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди.

Президентимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида глобал молиявий инқироз ҳолатига тўхталиб, унга қуйидагича баҳо берди, яъни, “Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда”¹⁵.

¹⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

¹⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

Шунга қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва чора-тадбирлар муайян даражада, мамлакат суғурта бозорини ривожлантиришга хизмат қилаётган бўлсада, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурта бозорини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш суғурта муносабатларини ривожлантиришга ва мамлакатда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Маълумки, суғурта бозорининг муҳим субъекти ва унинг иштирокчиларидан бири суғурта воситачилари ҳисобланади ва суғурта шартномаси суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда асосий юридик ҳужжатдир. Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида”ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикаимизда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг

тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимига боғланганлиги, дунёдаги молиявий марказлар билан алоқаларнинг кенгайтирилаётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда суғурта тизимини ривожлантириш объектив заруратга айланди. Бунинг учун суғурта тизимини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва бу соҳада жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш лозим. Бундай вазифаларни бажариш учун аввало суғурта соҳасида жаҳон талабларига жавоб берадиган ходимларни тайёрлаш ва уларни амалиётга тайёрлаш, аҳолини суғурта тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилиб бориш, суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириб бориш муҳим ҳисобланади.

Амалда суғурта бозори ҳамда суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган кўплаб сабаблар мавжуд. Аҳолининг суғурта маданиятининг пастлиги - албатта бу сўз бирозгина кўпол эшитилгани билан, аммо ҳақиқат эканлигини тан олишимиз керак. Чунки ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда жамият ўртасида суғурта ҳақидаги тасаввур, онг, суғурта ҳақидаги маданият, суғурта ҳақидаги тушунча инсонлар онггида ҳали унчалик даражада шаклланмаганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу эса бизнинг, яъни суғурта соҳасида фаолият кўрсатаётган кишиларнинг энг катта муаммоимиздир. Бу масалани ечишга ҳозирги вақтда барча суғурта компаниялари бел боғлаган десак адашмаган бўламиз. Жамиятга суғуртанинг афзаллик тарафларини тушунтириш, уларга суғуртанинг ўзини нима эканлигини тушунтириш ҳар бир суғурта соҳасида фаолият олиб бораётган кишиларнинг олдида турган муҳим вазифадир.

Аҳолининг суғуртага нисбатан ишончининг пастлиги. Суғуртага бўлган ишончни таҳлил қилишдан аввал келинг суғуртанинг тарифини бир эслаб кўрайлик. “Суғурта – бу юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилувчи тадбиркорлик тармоғидир”. У инсонларнинг тинчлиги, соғлиги, озоишталиги йўлида хизмат қилади. Нега кишилар унга яъни суғурта соҳасига унчалик даражада ишонч билдиришмаяпти? Бу кимнинг айби, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак кимнинг камчилиги? Инсонларнинг ишончини қозониш бу жуда қийин масала, аммо уни йўқотиб қўйиш бу жуда осон. Шундай экан аҳолининг суғуртага бўлган ишончини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиши зарур. Бу Ўзбекистон Республикаси суғурта компанияларининг зиммасида турган жуда зарур, шунинг билан долзарб масаладир.

Суғурта компанияларининг етарлича даражада хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйилмаганлиги. Суғурта компанияларинг мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини ҳам қоникарли аҳволда деб бўлмади. Бунга асистанс хизматларини мисол тариқасида келтириб ўтиш зарур. 2009 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида атиги туртта асистанс хизматини кўрсатувчи ташкилот фаолият юритмоқда. Асистанс хизматларини қоникарли йўлга қўйилиши катта ижобий натижаларга олиб

келиши мумкин. Чунки бу суғурталанувчи ва мижозларга, улар ўртасидаги муносабатларга жуда катта қулайликлар яратилишидан далолат беради. Мижознинг эҳтиёжлари тезкорлик билан қондирилса у ўша суғурта компаниясининг ишончлилигига ишониши ва унинг доимий мижозига айланиши турган гап.

Аҳоли билан ишлаш тизимининг умуман йўқлиги. Аввалам бор суғурта компанияларнинг аҳоли билан ишлаш тизимига нималар киришини келтириб ўтсак. Булар:

- * Жойларда аҳоли ўртасида турли тадбирлар ўтказиш
- * Семинарлар ташкил қилиш, аҳолининг суғуртага бўлган муносабатини ўрганиш, уни қандай суғурта хизматларини қизиқтиришини билиш.
- * Мактаб, колледж, лицейларда суғурта соҳасида конференциялар ўтказиш.

Юқорида санаб ўтканларимиздан қайси бири суғурта компаниялари томонидан йўлга қўйилган, ёки қўйилмоқда. Бу бир тарафдан унча муҳим эмасдек кўриниши мумкин, бироқ бу тадбирлар аҳолининг суғуртага бўлган қарашларини бир оз бўлса ҳам ўзгартиришига шубҳамиз йўқ.

Суғурта соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси суғурта компанияларида ишловчи ходимларнинг кўпчилиги, аниқроқ қилиб айтадиган 90% суғурта соҳасида таълим олишмаган. Улар йиллар мобайнида суғурта соҳасида ишлаб тажриба орттиришган. Биз бу билан уларни қораламоқчи эмасмиз, аммо ҳар бир суғурта компаниясида хизмат қилаётган ходим суғурта соҳасида ўқиган, шу соҳанинг мутахассиси бўлиши лозим. Чунки бу унга келажақдаги фаолиятида жуда керак бўлади.

Миллий бозорни ва суғурталавчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ривожланган дунё мамлакатлари бозорлари даражасига етказиш ва жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш учун бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун суғурта бозорининг профессионал воситачилари бўлган суғурта брокерлари ва агентлари фаолиятини янада жонлантириш, суғурта бозорининг профессионал баҳоловчилари бўлган сюрвеерлар, аджастерлар ва актуарийлар ҳамда ассистанс хизматларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш келажақда яхши самара беради.

Хулоса ва таклифлар

Илмий изланиш натижалари, суғурта институтининг тарихий ривожланиши, хўжалик фаолияти давомида моддий йўқотишлардан химояланиш муаммоси милоддан аввалги даврларданок мавжуд бўлганлигини исботлайди. Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёни турли табиий ва ижтимоий кучларнинг ҳамоҳанглиги ва қарама-қаршилигида давом этади. Ишлаб чиқариш ва ҳаётий фаолият давомидаги қарама-қаршиликларнинг умумий таъсири иқтисодий фаолиятга кўрсатадиган салбий таъсирни объектив воқеликка айлантирган. Хўжалик субъектларининг иқтисодий муҳитнинг салбий таъсирларидан химояланишга интилиши, суғурта манфаатини келтириб чиқарган ва суғурта муносабатлари ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисмига айланиб борган.

Суғурта воситачиларининг фаолияти иккита асосий вазифани бажаришга қаратилган – суғурта хизматларини суғурталовчидан истеъмолчи томонига ҳаракатлантириш ва хизмат истеъмолчиларига маслаҳат ёрдами кўрсатишдир. Агентнинг ҳуқуқий мақомини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти айнан биринчи вазифани бажариш билан ажралиб туради, ҳолбуки, ҳаётни суғурталаш хизматларини ҳаракатлантираётган чоғида агент воситачилик вазифалари билан бир қаторда маслаҳат хизматини ҳам кўрсатади. Бунда ҳаётни суғурталашга оид суғурта маҳсулотларини ҳаракатлантиришни ташкил этиш тажрибасида суғурта маслаҳатчиси тушунчасининг ишлатилиши одатдаги ҳол, фақат бу ўз ҳуқуқий мақомига кўра суғурта агенти бўлиб, мақсадга эришиш йўлидаги фаолиятида маслаҳат беришдан ҳам бир восита сифатида фойдаланади, зарур даражада маҳорат ва малакага эга бўлса, эҳтимолдаги истеъмолчининг суғурта маҳсулотини харид қилиш бўйича талабларини ва майлини аниқлаб олиш, унга ниҳоятда мос келадиган хизмат турини ҳамда суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш (такомиллаштириш) ва бекор қилиш шартларини тавсия этиш имкониятини кўлга киритади.

Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда суғурта операцияларининг катта қисми воситачилар орқали амалга оширилади. Масалан, Буюк Британияда брокерлар воситачилигида жами суғурта шартномаларининг тахминан 70 фоизи тузилади. Бугунги кунда Буюк Британия брокерлик суғурта бозорида комиссия мукофотлари келиб тушиши ўсганига қарамасдан, фойдани умумий қисқариши рўй бермоқда. Бир қатор фирмаларда сарф-харажатлар устидан назорат қийинлашгани ва иш ҳақи пасайиши сабабли уларнинг фойдалилиги умумий пасайиши кузатилади.

Суғурта брокерлари – қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта бўйича воситачилик фаолиятини суғурталанувчи ёки суғурталовчининг топшириғи асосида ўз номидан олиб боровчи тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган жисмоний ёки юридик шахслар бўлиб, Бунда суғурта бўйича воситачилик фаолияти юридик шахс сифатидаги брокернинг таъсис

хужжатларида кўзда тутилган бўлиши шарт. Жисмоний шахс сифатидаги суғурта брокери қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши ва суғурта бўйича брокерлик фаолияти унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатида кўрсатилган бўлиши зарур.

Амалга оширилган тадқиқотлар Ўзбекистонда суғурта воситачилик фаолияти деярли ривожланмаганлигини кўрсатди. Бунга асосий сабаб, аксарият суғурта ташкилотлари суғурта хизматларини воситачиларнинг иштирокисиз амалга оширишни афзал кўришади. Чунки, миллий суғурталовчилар воситачиларни ортқча харажатларни келтириб чиқарувчи бўғин сифатида қарашади.

Суғурта агентларининг бозордаги нуфузини ошириш зарур. Бунда суғурта ташкилотлари томонидан уларни моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Суғурта брокерларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ҳозиргача Республикамизда суғурта брокерларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар деярли ишлаб чиқилмаган.

Суғурта агентларини тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этишни таклиф этамиз. Бугунги кунда бундай ўқув курслари бармоқ билан санарли десак асло хато бўлмайди.

Олий ўқув юртларида “Суғурта иши” йўналиши негизда тайёрланадиган магистратура мутахассисликларида “Суғуртада воситачилик фаолияти” бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйишни таклиф этамиз. Суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ўрнотишда суғурта шартномаси мукаммал даражада тузиш лозим, суғурта шартномаси мукаммал тузилгани билан уни асл мохиятини тушуниб етиш учун аҳолининг суғурта маданияти пастлиги халақит бермоқда. Суғурта шартномасининг мазмунига тубдан тушуниб етмаслик эса суғурта ходисаси рўй берганда баъзи келишмовчиликлар келиб чиқмоқда ва суғуртага ишончсизлик ана шунда пайдо бўлмоқда. Суғурта компаниялар ва суғурта фаолиятини давлат назорат органлари албатта айнан шу масалаларга эътиборни қаратишлари зарур.

Юқорида билдирилган таклифлар, шубҳасиз, мамлакатимиз бозорида суғурта воситачиларининг ва суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида муҳим омил бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009,
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. /Тошкент:”Ўзбекистон” 2010 йил.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи. 2008 йил 9 февралЎзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.-496 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». - Т.: 2002 й., 5 апрель.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3022-сон Фармони.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 1 февраль.
7. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль.
8. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. Учебник для вузов - СПб.: Питер, 2001. - 256 с.
9. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.
10. Основы страховой деятельности: Учебник./ Отв. ред. Проф. Т.А. Федорова. - М.: Издательство БЕК, 2002.-768 с.
11. Страхование дело: Учебник. В 2 т. (пер. с нем. О.И. Крюгер и Т.А. Федоровой). - т.1: Основы страхования / под ред. О.И. Крюгер. - М.: Экономистъ, 2004. - 447 с.
12. Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов.-М.: «ЮНИТИ», 2001. -311 с.

13. Маҳмудова Л. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Т.: ТАҚИ, 2004 й.
14. Собиров Х. Суғурта: 100 савол ва жавоб. - Т.: «Мехнат», 1998. - 160 б.
15. Хўжаев Й. Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув қўлланма.-Т.: Солиқ академияси, 2005.
16. Адамчук Н.Г., Юлдашева Р.Т. Обзор страховых рынков ведущих стран мира. (серия «Мировые страховые рынки»). - М.: Издательство «Анкил», 2001.
17. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Учебное пособие. – М.: «Маркет ДС», 2002.
18. Гинзбург А.И. Страхование. - СПб: "Питер", 2002. - 176 с.
19. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. - М: Финансы и статистика, 2004. - 352 с.
20. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - 462 с.
21. Климова М.А. Страхование: Учеб. пособие. - М.: Издательство РИОР, 2004. - 137 с.
22. Крутик А.Б., Никитина Т.В. Страхование: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. - 256 с.
23. Пфайффер Кристоф Введение в перестрахование. - М.: Анкил, 2000.
24. Сербиновский Б.Ю., Гарькуша В.Н. Страховое дело: Учебное пособие для вузов. Изд-е 2-е перераб. и доп. - Ростов н/Д.: "Феникс", 2003. - 384 с. - серия "Высшее образование"
25. Скамай Л.Г. Страхование: учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2001.
26. Сплетугов Ю.А. Страхование ответственности. - М.: Аудит, 2001. - 172 с.
27. Сплетугов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 311 с. - (Серия "Высшее образование").
28. Страхование /под ред. Т.А.Федоровой. - М.: "Экономистъ", 2003. - 875 с.

29. Страхование: принципы и практика / Составитель Дэвид Бланд: Пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 416 с.
30. Теория и практика страхования. Учебное пособие. – М.: Издательский центр «Анкил», 2003.
31. Шахов В.В., Миллерман А.С., Медведев В.Г. Теория и управление рисками в страховании. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 224 с.
32. Фогельсон Ю.Б. Введение в страховое право. Просто о сложном. Издание второе. - М.: Издательство БЕК, 2001.
33. Шихов А.К. Страхование: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 431 с.
34. Юлдашев Р. Страховой бизнес. Словарь-справочник. – М.: «Анкил», 2000 г. - 272 с.
35. Абдурахмонов К., Шеннаев Х. Инвестиционная деятельность страховых компаний.-«Рынок, деньги и кредит», 2003 г., №5.
36. Абдусатторов А. Использование страховых резервов. //Частная собственность, 29. – 2001.
37. Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Развитие страхового законодательства республики. // журнал «Рынок, деньги и кредит», 2002. -№11-12.
38. Джураев Т., Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Аспекты деятельности и структура органов страхового надзора за рубежом. //Экономический вестник Узбекистана, 1/2. -2001.
39. Имомов Ш. Ўзбекистонда суғурта бозори шаклланишининг хусусиятлари.// Бозор, пул ва кредит, 5. - 1997.
40. Имомов Ш. Суғурта иқтисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришининг муҳим омили.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 27 февраль.
41. Имамов Ш. Страхование как инструмент защиты бизнеса.//Рынок, деньги и кредит, 6. - 2002.
42. Йўлдошев М., Турсунов Й. Суғурта фаолияти аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2. - 2002.
43. Мирсадыков М. Современное состояние и тенденции развития

страхового рынка Узбекистана.//Рынок, деньги и кредит, 8. - 2001.

44. Мирсадыкова Д. Заключение и исполнение договоров страхования.//Менинг мулким - Частная собственность, 47. - 2001.

45. Холмахмадов З., Шеннаев Х. Суғурта қонунчилиги мутахассислар нигоҳида.//Бозор, пул ва кредит. 2. - 2002

46. Шеннаев Х.М. Страховая система Узбекистана: этапы становления. - журнал «Рынок, деньги и кредит», №6 2004 г.

47. Шеннаев Х.М. Ўтиш даври иқтисодиётида суғурта масаласи ва уни истиқболлари.//”Бозор, пул ва кредит” журнали, 2005. №3.

48. Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма: Ўқув қўлланма. infoCOM.UZ МЧЖ-2010 й.

49. 2009 йил якунлари //”ББВ” газетаси, 2010. №1-2(1214-1215), 19 январь 9,10 бетлар.

50. www.allinsurance.ru.

51. www.expert.ru.

52. www.ankil.ru.

53. www.znay.ru.